Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
20 сон
15 — 21 май, 2008 йил



# ОЙ БАЛҚҚАН МАҲАЛЛА

*Маслаҳатчилар ҳаётидан*

Ойбаҳор идорага йиғилган "кўча боши" аёллар билан бир ой мобайнида қилинадиган юмушларини келишиб оларкан, дабдурустдан: "Гулни яхши кўрмайдиганлар борми?"- деди овозига расмий тус бериб.

Аёллар бир-бирларига саволомуз қараб олишди. Сўнг: "Гулни ёқтирмайдиган ҳам одам бўларканми?"-деди улардан ўткирроғи.

"Гуллар ҳамманинг кайфиятини кўтаради. Шундай экан, нега хонадонларда, кўчаларда гулларни кўпайтирмайсиз? Сиз эккан гуллардан оила аъзоларингиз, кўчангиздан ўтганларнинг баҳри-дили очилиб, кунни хайрли ишлардан бошлашига нима етсин! Хоҳлаганларга ўзим гул кўчатлари етказиб бераман, келаверинглар. Аммо натижасини ҳам сўрайман", - қўшиб қўйди маслаҳатчи. Бир оздан сўнг аёллар Ойбаҳорнинг маҳалла фуқаролар йиғини идораси олдида эккан гул ниҳолларидан олиб, уйларига тарқалишди...

Ойбаҳор аёлларни кузатдию, 6 боласи билан бева қолган Насиба Ҳакимованинг уйига йўл олди. Насибахон атрофига қизларини йиғиб, жияк тикиб ўтирган экан. "Кичик чеварлар ҳам ҳадемай онасидан ўзиб кетади", - дея ўзининг келганини билдирди Ойбаҳор. Уни кўриб, Насибахоннинг юзи ёришиб кетди: "Барака топинглар, эгачи. Болаларимнинг оғзи сут, қатиққа етди. Ортганини сотиб, рўзғоримизга ҳам ишлатаяпмиз. Ҳомийларингиз бизга саховат қилишган бўлса, уларни Худо сийласин, ургулай", - дея дуо қилганча Ойбаҳорга пешвоз чиқди опа. Эри оламдан ўтгач, қийналиб қолган бу оилани маслаҳатчи касаначиликка жалб қилган эди, мана бинойидай ўзларини эплаб олишди. Бунинг устига маҳалланинг саховатпеша ҳомийлари—Маҳатмирзо Юсупов, Раҳмон Ҳасанов, Акбар Қурбоновлар ҳадя қилишган учта қорамолдан бири ҳам шу оилага берилди. Ҳафсаласи бор одам бу имкониятлардан ўрнида фойдаланса, эртага ўзи ҳам ўша ҳомийлар қаторидан ўрин олиши ҳеч гапмас. Ҳаммаси режага боғлиқ-да.

Ойбаҳор Насиба опа билан хайрлашгач, худди шундай ҳадядан баҳраманд бўлган 2 оиладан ҳам хабар олди. Ўзи ва ўғли ногирон, 6 фарзанди билан ёрдамга муҳтож бўлиб қолган Холмат ака, 2 фарзандли Бибиражаб холалар ҳам маҳалладошларини дуо қилиб қолишди. Бибиражаб холанинг ўғлини маҳалла саховатпешалари биргалашиб уйлантиришди, тўй ўзгаларникидан кам бўлгани йўқ.

Ҳа, Сурхондарё вилояти, Узун тумани "Чинор" маҳалласида йиқилганни суямоқ, қийналиб қолганга мадад бермоқ—азалий одат. Маҳалла маслаҳатчиси Ойбаҳор Алимардонова эса уларнинг яхши-ёмон кунида доим қаватида. Ишлайман, деган одамга елиб-югуриб шароит яратиб беришга ҳаракат қилади. Яқинда 24 хотин-қизга тикув машинаси олиб беришди. "Уқуви бори ўзи ёриб чиқади..." Мана улардан Назира Алимардонова бир фирмага этак ва қўлқоплар тикиб бериб, ўз йўлини топди. Унинг маҳоратини кўриб, буюртмаларнинг кети узилмаяпти.

Ойбаҳор асли педагог бўлсада, тикувчилик, пазандалик ҳунарини ҳам яхши билади. Ўрни келса, хонадонларга кириб, қиз-жувонларга ўргатишдан ҳам эринмайди. Ҳатто нон ясаётган аёлга нон ёпишворган, кир юваётганнинг кирини чайишиворган ҳам шу — Гулбаҳор. Ҳа, ҳар қандай меҳнатдан ҳазар қилмайди, ниҳоятда камтар. Ахир бу хислатлар душманни дўст, дўстни қариндош қиладида. Шунингдек, Ойбаҳор покизаликни жуда яхши кўради. Маҳалла хотин-қизларининг аваломбор "ўчоқбошиси" ва эшик олдисининг озодалигига эътибор беради. Онаси - Чиннихол опа ва отаси Абдужаббор ҳожи оталар оилада 10 қиз ва 4 ўғилни вояга етказган бўлсалар-да, ҳовлидаги саришталик ва юмушлардаги тартибни қатъий йўлга қўйишган эди. Тартибни бузган жазосини, аъло даражада бажарганлар мукофотини оларди. Шу ҳадисни олгани учунми Ойбаҳор маҳаллада "Фариштали хонадон", "Ибратли келин", "Намунали оила" сингари ўнлаб танловларни ўтказиб, ғолибларни рағбатлантириб туради. Албатта, бу тадбирларни маҳалла фуқаролар йиғини бошлиғи Ҳудойқул Ҳамзаев, хотин-қизлар кенгаши раиси Зуҳра Йўлдошева, ҚВП акушер-гинекологи Дилфуза Исмоилова, отинойи Зайнаб Ҳамидова, ҳудуд нозири Ўткир Нормўминовлар билан маслаҳатлашган ҳолда ўтказишади.

"Энг яхши маслаҳатчи" вилоят кўрик-танлови ғолиби, ширинсухан ва очиқ чеҳрали маслаҳатчи Ойбаҳор Алимардонова ҳақида маҳалладошлари ҳам суюб ва севиниб гапиришди. Маслаҳатчи ўзи ибратга лойиқ бўлсагина, шундай таъриф олади, одамлар унга эргашадилар. Нафақат Ойбаҳор, унинг оила аъзолари ҳам маҳалланинг жонкуярларидан. Қайнонаси - Саидбиби ая, қайнотаси Амирхон боболар - зукко деҳқон, кўпнинг устози, маслаҳатгўйи бўлишган. Шунингдек турмуш ўртоғи Бойтўра ака (биолог-тадбиркор) элнинг юкига елка тутган танти инсон. 50-60 кишини иш билан таъминлаб, уларнинг рўзғорига барака киритаётганлигидан маҳалладошларининг боши осмонда. 2 ўғил, 2 қизи эса ота-оналаридек дуо олиш ниятида ўқиб, меҳнат қилишаяпти.

Ойбаҳорнинг эса ҳали ушалмаган орзулари бисёр:

- Мақсадим—маҳалламизда тикиш-бичиш, пазандалик, сартарошлик ва аёлларимизнинг қадди-қоматларини жойига келтирадиган спорт ўчоқлари очиш. Худо хоҳласа, биргалашсак, бу орзуларимизга ҳам эришамиз, деб ўйлайман.

***Ҳа, келажакка ишонч, яхшиликка талпиниш, одамларнинг кўнглига озгина бўлса-да нур ҳадя этиш илинжида юрган инсоннинг табассуми ҳам ярашиқли бўлади. Биз-да фидойи маслаҳатчини тетиклик, ғайрат тарк этмаслигини, оиласида бахт қуёши чарақлаб туришини тилаб қоламиз.***

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

# УМИДА ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ



- Бу қизни бошқалардан ажратиб турувчи ва ниҳоят Зулфияхоним қизлари сафидан ўрин олишига сабаб бўлган фазилатлари унинг ўткир зеҳни, эпчил ва чаққонлиги ҳамда санъатни бениҳоя севишидир, - дейди Ромитан туман хотин-қизлар кенгаши раиси Робия Сафарова.

Гап Ромитандаги 41-сон ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Умида Раҳмонова ҳақида бормоқда. Шу ўринда унинг туман маданий ҳаётидаги фаоллигини алоҳида тилга олишга тўғри келади. 2007 йил 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилган болалар сайли, янги йил олди туманда ўтказилган Президент арчаси тантаналари бу иқтидорли қиз ёзган сценарийлар асосида ташкил этилиб, болаларга олам-олам қувонч бахш этди. Бундан ташқари, Умида бу тадбирларда атоқли шоирлар ва ўзи ёзган шеърлардан намуналар айтиб, даврага файз киритди. Унинг қаламига мансуб "Ўзбек момо" шеърига




мусиқа ўқитувчиси Ўткир Авезов билан биргаликда басталаган қўшиғи ижро этилганда барча қарсаклар билан олқишлашди.

Умиданинг спорт соҳасидаги ютуқлари ҳақида устози, таэквандо бўйича мураббий Аҳмад Салимов шундай деди:

- Умида тўрт йилдан бери менинг гуруҳимдаги машғулотларда қатнашади. 2005 йил Амир Темур хотирасига бағишлаб Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида совринли ўринни қўлга киритди.

Умида Раҳмонова Саноат қишлоғида туғилиб, шу ердаги 15-сон мактабда таҳсил олди. Отаси - уста механик Эркин Раҳмонов, онаси-уй бекаси Кимё Собировалардан меҳнатга иштиёқ, фидойилик фазилатлари "юққан" бўлса, ўқитувчи-устозлари Ортиқ Бозоров, Шамсия Ниёзова, Гуллола Бешимовалардан илм-фан олами сирларидан сабоқ олмоқда.

- Келгусида журналист бўлмоқчиман. Истиқлол туфайли юртимизда рўй бераётган ўзгаришларни, ислоҳотлар жараёнини, айниқса биз - ёшларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликларни қаламга олиб, менга билдирилган юксак ишончни оқлаш эзгу ниятимдир, - дейди Умида.

**Зуҳра ҚУРБОНОВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Ромитан тумани.**

## КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Маънавият" нашриётида чоп этилган "Юксак маънавият - енгилмас куч" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда ҳаёти ва фаолияти маънавий тарбия билан боғлиқ фан, маданият, санъат, адабиёт намояндалари, матбуот вакиллари, ёшлар иштирок этдилар. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов бошқарди. Сўзга чиққанлар ушбу китобнинг ҳаётимизда тутган ўрни, аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

**Ўз мухбиримиз**

*Ахборот*

## "ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ"ГА БАҒИШЛАНДИ

"15-май - Халқаро оила куни"-га бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Соғлом оила" спорт мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори Т. Асқаров, Чилонзор тумани ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Содиқова сўзга чиқиб, қатнашчиларни қутлашди.

Мусобақада Тошкент шаҳрининг 11 та туманидан биттадан оила жамоаси 5 та шарт бўйича иштирок этишди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Т. ХУММАМАТОВА.**



# “ОИЛА СОҒЛОМ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ЯНАДА КУЧЛИДИР”

**- дейди пойтахтимиздаги 9-оилавий поликлиника шифокори Гўзалхон Исамуҳамедова.**

Айни шу кунларда таваллудининг олтмиш йиллигини нишонлаётган Гўзалхон Исамуҳамедова ўз касбининг фидойиси, бой тажриба ва чуқур билимга эга шифокор. Биз шифокор опамиз билан соғлом турмуш тарзига оид масалаларда суҳбат қурдик.

**- Абу Али ибн Сино: “Қуёш нури кирмаган уйга табиб тез-тез кириб туради”, деган экан. Қаранг, соғлигимиз учун нафақат сув ва ҳаво, балки офтоб нури ҳам зарур бўларкан-да?**

- Олимларнинг таъкидлашича, қуёшнинг ультрабинафша нурлари касаллик қўзғатувчи микробларга қирон келтиради. Шунингдек, бу нурлар боланинг рахитга чалинишдан асрайди, катталарнинг эса қон яратувчи аъзолари фаолиятини яхшилайди. Аждодларимиз бежизга уйларни кунгай қилиб қурмаганлар-да!

**- Ҳа, илгарилари серқуёш ўлкамизнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, кийимларни ҳам пахта, зиғир толалари ва жундан тўқилган ипак матолардан тикиб кийишган. Бу кийимлар ҳаво ўтказувчан бўлгани боис терининг яхши “нафас” олишини таъминлаган, шундай эмасми?**

- Нимасини айтасиз? Аммо бугунги кунда қиз-жувонларимиз сунъий толали газламалар (масалан нейлон, капрон, ворсалан, вилвет кабилар)дан либос кийишни хуш кўрадилар. Аслида бу газламаларда организмга салбий таъсир кўрсатувчи маълум бир кучланишдаги статик электр майдонлари мавжуд. Синтетик толалари этилен, бензол, фенол, тошкўмир қатрони сингари зарарли моддалардан олинади. Улар ички аъзоларга, айниқса юкли аёлнинг ҳомиласига ёмон таъсир қилади. Ҳатто, чет элларда ҳам пахтали газламаларнинг бир метри 11-13 доллар, сунъий толали матолар нархи эса 2-3 доллар туришини эшитганман.

**- Аҳмад Дониш: “Агар киши овқатланиш қоидаларига амал қилса, 120 йил яшайди”, дея башорат қилган экан. Демак, соғлом ҳаёт кечиришимизда овқатланиш муҳим аҳамиятга эга, бу хусусда фикрингиз қандай?**

- Овқатланишда маълум тартиб-қоидалар борлигини кўпчилик унутиб қўяди, гоҳо. Америкалик диетолог олим Шелтон овқатланишга бағишланган каттагина китобида турли таркибдаги овқатларни аралаштириб ейиш асло мумкин эмаслигини ёзади. Унинг айтишича, бир вақтнинг ўзида гўшт билан сут, картошка билан ширинлик, тухум билан пишлоқ, гўшт билан ёнғоқ қўшиб ейилса, улар бирбирининг ҳазм бўлишига халақит беради, ичакларда чириш жараёнини келтириб чиқаради. Шунингдек, пепси-кола, фанта ва бошқа газланган ширин сувларни ичиш овқат ҳазмини янада мураккаблаштиради. Бу эса кишиларимизни, айниқса болаларни тери тошмалари ва аллергик дардларга дучор этади.

**- Дунё таниган олим Р.Элиотнинг таъкидлашига кўра, агар одам стресслар (асабий зўриқишлар)га дош беришни ўрганса, 55 фоиз касалликларнинг олдини олган бўларкан. Стресслар туфайли ўзларига дард орттираётганлар кўп-да, шундай эмасми?**

- Биласизми, японияликлар стрессларни кучсизлантириш учун “олтин қоида” ишлаб чиқишибди. Яъни, кимдир сизга ғазабини сочиб ҳақоратласа кулиб туришингиз, энгашиб чуқур нафас олишингиз ва унга “сизнинг сўзларингизни тушунолмаяпман”, дейишингиз зарур экан. Буни ўзлаштириш албатта осонмас. Лекин руҳий изтироб туфайли танага касаллик ёпишса, уни даволаш қийин-ку. Чунки руҳ соғлом бўлсагина вужуд ҳам соғаяди. Бунинг учун инсон мураккаб вазиятларга мослашиши, ўзини бошқара билиши ва ўз руҳий осойишталигини ўзи таъминлаши зарур. Руҳий соғломлик учун кураш бутун организм саломатлиги учун кураш эканини бирор лаҳза унутмаслик керак, менимча.

**- Шифокор психолог ҳам бўлиши керак, дейишади. Бу хусусият беморлар дардини енгиллаштирармикан, сизнингча?**

- Кўп кузатганман, айрим беморлар касал бўлишса дарров ваҳимага тушишади, бошқа бирлари эса анча жиддий хасталикларни ҳам оёқда юриб ўтказишади. Мен ҳар иккала тоифадагиларга ҳам битта гапни алоҳида таъкидлайман. “Дард қанчалик авж олса, даволаш шунчалик қийинлашади”, дейман. Уларнинг руҳий аҳволи билан қизиқиш, кайфиятини кўтариш ва яхшиликларга умидлантириш кун тартибимдаги биринчи масала бўлиб қолган. Ахир бемор чуқур қайғу-изтиробдан қутулмас экан, қилинган муолажа унга асло наф бермайди-да. Айниқса аёллар ва болаларга буни тушунтиришга ҳаракат қиламан. Чунки болалар баркамол бўлиб вояга етишларида оиладаги соғлом муҳитнинг аҳамияти катта. Оилалардаги ўзаро муносабатларнинг илиқлиги, аҳиллик ва меҳр-муҳаббат барқарорлиги фарзандлар саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Яхши оилалар эса жамиятнинг таянчидир. Мен шифокор сифатида юртимизда соғлом ва гўзал оилалар янада кўпайишига ҳисса қўшсам, дейман.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА суҳбатлашди.**

# БИЗ ЎЗБЕКМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНМИЗ!



Ургутда Алиевлар оиласини ҳамма танийди. Бу намунали оиладан спортнинг шашка тури бўйича бир неча бор Ўзбекистон, уч карра Осиё чемпионлигини қўлга киритган 5 нафар спортчи чиққан. Оиланинг тўнғичи—Маъмуржон 1-умумтаълим мактабида ёшларга жисмоний тарбиядан дарс беради, оилали. Рафиқаси Қизларгул ҳам спорт усталигига номзод. Манзура 100 катакли шашка бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони. Машҳура ўтган йили Ўзбекистон чемпиони деган номни қўлга киритди. Улуғбек шашкадан ташқари теннисга ҳам қизиқади. Оиланинг кенжаси Мунира Сирдарёда қизлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида қатнашиб 7 ўринни олганда 5 ёшда эди. Ўшанда столга бўйи етмай ўриндиқнинг устига чиқволиб дона сурган экан. Ҳозир у 14 ёшда. 2006 йили Фарғонада ўтказилган чемпионатда бир йўла учта олтин медални қўлга киритиб Осиё чемпиони деган шарафли номга муяссар бўлди. Мунира шу йилнинг июл ойида Россиянинг Ёқутистон ўлкасида ўтказиладиган Олимпиадага тайёргарлик кўрмокда.

- Бизда қизлар жуда ёшлигидан игна-ип тутишни ўрганишади. Бу уларга момомерос одат. Қўли келиб қолгач ўзига сеп тикади. Орттирганини бозорга олиб чиқиб сотади, - дейди хонадон бекаси Мавжудахон. - Ҳунар ўрганиш одамга ҳеч қачон зарар қилмаган. Икки қизимни узатганман. Улар мен Ўзбекистон спорт устаси, машҳур чемпионман, деб ўтиришмайди. Ҳар бирининг ўз иш дастгоҳи бор. Бўш вақтларида зардан келинкуёв либосларини тикишади.

**- Ўзингиз ҳам белбоғ тикиб, тўн қавиркансиз. Бундан ташқари яхшигина шашка ҳам ўйнаркансиз.**

- Ҳамдам акангиз билан тақдиримиз боғланишига ҳам шу шашка сабабчи бўлган. Баҳс бойлашувдик, шартга кўра ютқазсам уларга турмушга чиқишим керак эди. Худо деган эканлар, ўйинда ютқазиб қўйдим. Тўғриси, ўзим ҳам ич-ичимдан шуни хоҳлагандим. Кейинчалик билишимча иккимизни кўнглимизда ҳам бир хил истак бўлган экан. Худо дилингдагини ҳам кўриб туради, деганлари шу бўлса керак-да.

**- Турмуш ўртоғингиз ота сифатида болалар тарбиясига қандай қарайди?**

- Ҳамдам акам жиддий, салобатли кўрингани билан аслида самимий инсон. Менга, фарзандларга меҳрибон.

- Ҳалигача бирортамиз бошимизни кўтариб отамизга тик қараганимиз йўқ, - дейди Манзура турли мусобақаларда тушган суратлари, олтин медалларини кўрсатаркан. - Рости кўзларининг ранги қанақалигини ҳам билмайміз.

Туман шашка федерацияси раиси, Самарқанд вилояти шашка бўйича терма жамоа бош мураббийси Ҳамдам Алиев фарзандлари камоли йўлида тинмай изланаётган ибратли оталардан.

Менга Мунирaнинг: катта майдонларда ватанимиз байроғи кўтарилаётганда юрагим қувончдан қаттиқ уриб кетади. Шунда кўнглимдан биз ўзбекмиз, Ўзбекистонмиз деган ғурур ўтади, деган гаплари қаттиқ таъсир қилди. Аслида мана шундай баланд ғурур, гўзал туйғунинг ёшлар қалбида борлиги жуда қадрлидир.

**Дилором ИСМОИЛОВА**

## “АВТООЛАМ МАЛИКАСИ - 2008”

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида “Ёшлар йили” Давлат дастури доирасида тўртинчи “Автоолам маликаси - 2008” республика кўрик-танлови ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Автомашиналар бошқарувчиларидан уч нафари 1- 2 -3 ўрин соҳиблари бўлишди. Натижаларга кўра, 1 - ўрин Навоий вилояти, Кармана туманида яшовчи, банк бошқарувчиси Моҳира Шариповага, 2 - ўрин Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 6 - мактаб директори Вилоят Акрамовага, 3 - ўрин Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманидаги Учуйли қишлоғида яшовчи тадбиркор Юлдуз Мамадиёровага насиб этди. Иштирокчилардан 10 нафари “Энг ёши улуғ иштирокчи”, “Энг ёш иштирокчи”, “Энг жозибали иштирокчи” номинациялари ғолиби бўлди. Энг юқори натижани қўлга киритган тошкентлик Ҳидоят Мадаминова 2008 йилнинг «Автоолам маликаси», деб топилди ҳамда ҳомийлар томонидан ажратилган компьютер совғаси билан мукофотланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**



СУРАТДА: Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги марказий шифохона ҳамшираси Гулчеҳра Каримова.

Шавкат Султон олган сурат.

Oila va jamiyat | № 20 (863) 15 май — 21 май 2008 йил | Оила ва жамият | 3

**Шу кунларда юртимизда яна тўйлар бошланди. Хўш, улар қандай ўтказилмоқда? Юртбошимизнинг тўйларни камхарж, ихчам қилиб ўтказиш ҳақидаги Фармони қандай бажарилмоқда? Қолаверса, кенг жамоатчилик томонидан тўйларни камчиқим ва тартибли ўтказиш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераяптими? Қуйида ана шулар ҳақида сўз юритилади.**

# ТЎЙ — ҚУВОНЧМИ ЁКИ ТАШВИШ?

Бизнинг олийҳимматлилигимизнинг бир белгиси бу - пул топсак, дастурхон ёзиб элга тўй бериш, меҳмон чақириш. Лекин баъзида тўй қиламан, деб соғлиги ёмонлашганидан шикоят қилаётганларни ёки тўйга ҳаражат қиламан, деб қарзга ботаётганларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ва энг ачинарлиси, ана шундай машаққатлар эвазига йиққан-терганларини бир кунлик тўйга сарфлаётганлар исрофгарчиликка йўл қўяётганлар бор орамизда. Яқинда бир тўйда бўлдим. Дастурхонда хорижнинг банану ананасидан тортиб, ўзимизнинг қовун-тарвузгача бор. Кун иссиқ - аёллар тинмай елпинади. Хизмат қилаётган ёш-ёш йигитчаларнинг қўлида патнис. Ҳали чой ташийди, ҳали бўшагану бўшамаган тарелкаларни йиғиштиради. Биринчисига биттадан сомса, кейингисига шўрва тортилди, зум ўтмай ҳасип, норин, жаркоп, ош. Энг қизиғи шўрвадан кейинги овқатлар татиб ҳам кўрилмади. Хизматдаги йигитчалар тарелка-ю, косаларни йиғиб оларкан, қошиқ ҳам урилмаган овқатларга пўчоғу майдаланган нон қолдиқларини аралаштирганча йиғиштириб олаверди. Эссизгина шунча ош-овқат, шунча меҳнат-ҳаражат. Ўз-ўзидан маълумки, исроф бўлаётган егуликларнинг ҳаражатини тўй қилаётган одам кўтарган. Яна унинг устига аёллар олиб келаётган тоғоранинг нима кераги бор дейсан. Ахир тўйга келадиган аёллар қуруқ қўл билан боргилари келмаса, тоғорага кетадиган ҳаражатнинг ярмини пул билан бериб қўя қолса, дарёдан томчи деганларидек, тўй эгасига озроқ ёрдам бўларди. Икки томонга энг қулайи ҳам шу эмасми?

Ёнимда ўтирган кексароқ онахонлардан бири:

- Бунинг бари исрофгарчиликнинг ўзгинаси. Қараыг, қанча нарса увол бўладиган бўлди, эссиз, эссиз, деди.

Ёнимга келиннинг онаси келди. Тўй бошлаб қўйдим деганида чамаси икки ойлар олдин кўргандим. Озиб кўзлари киртайиб қопти. Ўшанда хурсанд эди. "Тўйнинг ширин ташвиши кўп - отанг бозор-онанг бозор дегандай юрибмиз бозорма-бозор чопиб"...

Телефон орқали гаплашганимда: "Бир миллиондан ошиққа гарнитур, фалон пулга ётоқхона мебели, биллур идиш, тилла тақинчоқ, сарпосуруқ олдик", деганди.

"Демак, осон бўлмабди-да, тўй қилиш", - кўнглимдан ўтган биринчи ўй шу бўлди.

- Чарчадингизми, - дедим астойдил ачинганимдан.

- Нимасини айтасиз. Тўй яхши нарса-ю... икки ойнинг ичида бўларим бўлди. Бугун эрталаб мазам бўлмай қолса денг. "Тез ёрдам" чақирдик. Ётолмадим. Шунча иш қараб туради-ю, тинч ёта олармидим.

Мен икки ёшга бахт тиларканман, қизининг чиройли келин бўлганини қўшиб қўйдим:

- Ҳа, қизим янада очилиб кетди. Юзини пардоз қилдириб, сочини "укладка" қилдиришнинг ўзи 60 минг бўлди. Кўйлагини 240 мингга "прокат"га олдик, - деб қўшиб қўйди.

Яқин ўртада тўйларда бўлмаганим учун бу нарх мен учун жуда қимматдек туюлди. Ҳайратланганимни кўрган тўй эгаси:

- Ҳалиям бу арзони. Кўйлакларнинг 500 минглиги, миллонлиги бор-ку. Пардоз-андознинг ўзига 2 ҳафта олдин навбатга туриб, 20 минг "закалат" ҳам берганмиз, - деб аниқлик киритган бўлди.

Тўғри, келинларимиз тўй куни ҳаммадан чиройли бўлишни исташади. Лекин момоларимизнинг "тўй куни қизларга фариштталар ўзгача чирой, жозиба бахш этади", деган ибораларини эслаб, ҳақиқатан ҳам ортиқча пардоз-андозга на ҳожат, дегинг келади. Бунга кетадиган сарф-ҳаражат ҳам баъзи ота-оналарга оғирлик қилади. Ота-оналар фарзандларини яхши кўрганидан тўй куни уларнинг оғзидан чиққанини қилишади. Лекин фарзандлар ота-оналарини ўйламайдиларми, яхши кўрмайдиларми?

Шунда бир воқеа эсимга тушди. Синфдошим: "Ёқтирган йигитимга турмушга чиқаман", деб туриб олгач, ота-онаси қарши бўлишди. Шунда онаси қизига шарт қўйди:

- Шу йигитга тегсанг, ҳеч нарса қилмайман, мебель, тилла тақинчоқни-ку умуман орзу қилмай қўяқол, - деди.

Синфдошим "майли, шу йигитга берсаларингиз бўлди, ҳеч нарса керакмас", деб туриб олди.

Тўй жуда камтарона ўтди. Тўғри, улар бошида жуда қийналишди. Лекин уларнинг муҳаббати ҳамма қийинчиликларни енгиб ўтди. Ҳозир улардан бахтли оила йўқ. Ана шундай пайтда бахт фақат бойликдами, сарподами деб ўйлайсан. Ахир ўша фалон пулга қилинган қўша-қўша сарполар 1-2 йилда урфдан қолади. Кимўзарга қилинган дабдабали тўйлар 2-3 ойда унут бўлади.

Уйимизда онамнинг ўз қўллари билан тиккан кашталар, қуроқ ёстиқлар, ўзлари тўқиган гиламлар бор. Онамнинг тўйларига 40 йил бўлган бўлса-да, ҳали-ҳамон уни кечагидек эслайди. Баъзи-баъзида "шуларни кечалари ухламай тикканман", деб қўяди. Ҳозир бундай кашталар камайган бўлса-да, кекса момоларимиз хонадонларида албатта учратамиз.

- Ўша пайтлари, - эслайди онам, - бўй етган қизлар шамнинг ёруғида бир-бирларимизникига навбати билан бориб кашта тикардик. Тўйга келган хотин-халаж томошадан ҳам кўра тиккан кашталаримиз-у қуроқ ёстиқларимизни кўришга, баҳо беришга келишарди. Тўй шуниси билан қизиқ эди...

Ҳозир ҳам шундай. Баъзи қишлоқларимизда мебель - жиҳозлар қилинмаса ҳам ўзимизнинг миллийлигимиз акс этган кашталар деворларга осиб қўйилади. Чунки булар бир умрга қоладиган энг қимматли эсдаликлардир. Ўша пайтлари келинларнинг пардози ўсмаю сурма бўлган. Ҳозир эса гўёки тўй эгалари ким ўзарга пул сарфлаётгандек. Кимлардир осонгина мўмай пул топиб тўкин-сочин тўй қилади. Яна кимлардир фақатгина маошга кун кўрса-да, йиллаб йиғиниб... уям тўкин-сочин тўй қилади. Лекин бу тўйлар қанчадан-қанча "қурбон" қилишлар эвазига қилинади. Ахир тўй қиламан деб қизининг ўқишининг шартнома пулини тўлашга қийналиб ўқитмай қўяқолган, 2 хонали уй олишга пули бўла туриб тўйдан ортқизолмай 1 хонали каталакдек уйда бир неча киши сиқилиб яшаб, уй-жой можароси йиллаб давом этаётган, ҳатто рўзғорига яраб турган машинасини тўй учун пуллаб бир кунда совураётганлар озмунчами?

Ана шундай дабдабали тўйга кетаётган сарф-харажатни фарзандларимизнинг чет тилларини ўрганишига, китобига, ўқишга кирганда шартнома пулини тўлашга сарфласак бўлмайдими? Зеро, фарзандларимизнинг келажагини бир кунлик тўй белгиламайди, шундай эмасми?

**Барно СУЛТОНОВА,**
**Тошкент шаҳри.**



**МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.**

Тўй фақатгина шодлигу қувончдан иборат эмаслигини тўй қилиб кўрганлар яхши билишади. Тўйнинг ўзига яраша ғам-ташвишлари ҳам бор. Халққа ош берувчи киши бир томондан фарзанди камолга етганидан қувонса, бошқа томондан ташвишнинг ичида қолади. Қилаётган тўйим одамларга манзур бўладими, эл орасида уялиб қолмайманми, деган ўй оила бошлиғининг хаёлидан ўтади ва шунга яраша елиб-югуради.

Тўйдан кейин "уч кунлик", "сеп йиғди", "қиз чақирди", "кўрмана", қирқ кунгача мазар бериш, шунинг ичида пайшанба, якшанба кунлари палов билан йўқлаб туришлар...

Тўй бошлангунча қиз болага қилинадиган сеп-сидирғалар, хорижники саналадиган (бу энг муҳими!) гиламу гарнитурлар эса ота-онанинг чўнтагини қоқлаб қўяди ёки қарз кўтарган бўлса, уни узиш учун йиллаб тер тўкади.

Ҳозирги кунда ҳунарнинг, маошнинг орқасидан рўзғор тебратаётган баъзи эркаклар тўй қилиш учун ёки тўйдан кейин қарз узиш учун Россия ва бошқа хорижий давлатларга иш қидириб кетиб қолишмоқда. Бир неча ойлаб, ҳатто йиллаб оиласидан, юртидан олисларда қийинчилик билан меҳнат қилишларига тўғри келмоқда. Бу элдан қолмаслик учун қилинган катта сарф-харажатлар орқасидан келиб чиқмаяптими?

...Баҳромжонни қўли гул уста, дейишади. Йил ўн икки ой унга иш топилиб туради. Шу меҳнатнинг орқасидан рўзғор тебратиб, бола-чақа боқади. Турмуш ўртоғи Зарифахоннинг саломатлиги яхши эмас. Шунинг учун устанинг топгани уйга барака олиб киради. Яқинда шу инсон қиз узатди. Элдан қолмай, деб роса чиранди ҳам. Қизи бировнинг эшигида бўйни қисилмаслиги, хотинининг дили ғашланмаслиги учун сарфни катта қилди. Қизининг сепи-ю, тўйнинг ҳаражати кейин билинди. Шунда дўстлари унга "йўл" кўрсатишди. "Қишлоқда йиллаб топганингни у ерда ойига топасан. Сенга ўхшаганларга иш топилади", деб уни Россияга етаклашди. Яна орқасини тўй босаётганини кўрган Баҳромжон иккиланмай уйидан узоқлашди...

...Оилавий ўқитувчилар ҳисобланмиш икки хонадон қуда бўлишди. Фарзандлари ҳам ўқимишли. Улар кимўзарга тўй қилишмади. Сарполарга ҳам дунёнинг пули кетмади. Шифтга етгудай кўрпа-тўшаклар кирган кишининг кўзини ўйнатмади ҳам. Иккала томон ўзаро маслаҳатлашиб, ёшларга бир-икки сидрадан кийим-бош қилишди. Зарур мебеллар "кўрмана"ни кутмай, тўй куни уйини безади. Ортиқча олди-берди, сарпога сарфланадиган пулга кейинчалик ўртада ёш оилага уй олиб беришди...

Қўни-қўшни, таниш-билишларга бундай сипо ўтган тўй бошқача туюлди. Сеп ёйилмаган уйни кўриб, ажабланишди ҳам. Лекин тўйдан кейин келинчакнинг лов-лов ёниб хизмат қилишини кўрганлар: "Сепи бўлгунча эпи бўлсин экан", дейишди ҳам.

Кейинги пайтда тўй атрофидаги машмашалар, яъни ташвишларга яна бири қўшилди. Баъзи жойларда тўйни диний руҳда - исломий (маъруза билан) ўтказиш урфга кирмоқда. Бу каби тўйларга халқимиз унчалик ўрганмаган. Қолаверса, замонавийлашган ёшларимиз маъруза тўйларни кўп ҳам ёқтиравериш-майди. Шу жиҳатдан маъруза тўйларни ёшларнинг розилиги билан ўтказиш маъқулмикан?

Бошқа бир тўйларда эса меҳмонлар олдига ҳаддан ташқари кўп спиртли ичимликлар қўйиш, "мазар еди" "ЗАГС ўтириши", "қиз ўтириши" (вечер) каби маросимлардаги харажатларнинг кўплиги кишини лол қолдирмоқда. Юқоридаги каби урф-одатларни камайтириш, сарфланаётган ҳаражатларни озайтириш борасида янада кўпроқ иш олиб бориш лозим.

Энг муҳими, гап тўйларнинг меъёрида, камчиқим, рисоладагидек ўтишида. Маҳалла фаоллари, тўй комиссияларининг бамаслаҳат, баҳамжиҳат иш кўришларида.

Ҳа, тўй хурсандчилик билан ўтиши учун ота-оналар ва фарзандлар фикри бир ердан чиқиши керак. Шу билан бирга у ҳисоб-китоби билан бўлганига нима етсин! Мақсадимиз битта: ҳою-ҳавас кимнингдир кўнглини ўстирса, кимнингдир дилини ўкситмаслиги керак.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**журналист,**
**Андижон вилояти.**

**Қўнғироқларингиз...**

# ОПАНГИЗНИНГ БАХТИНИ ЎҒИРЛАБСИЗ...

- Мен сурхондарёликман. Исмим Мунаввар. Лекин ҳозир Тошкентда яшайман. Ўйламасдан қилиб қўйган ишимдан сўнг бошимни қайга уришни билмай қолдим, менга маслаҳат беринглар, - дея гап бошлади гўшакни кўтарсам йиғлаётган бир аёл.

**- Йиғламасдан бор гапни гапирингчи, гап нима ҳақдалигини билайлик, - дедим аёлга.**

- Бундан ўн йил аввал мактабни битираётгандим, худди ҳозиргидек май ойи эди. Мен қўшни қишлоқлик бир йигитни ёқтириб қолдим. У ҳам менга бефарқ эмасдек туюларди. Мактабни битирдик. Мендан катта опам ҳам бор эди. Ўша йигитдан келган совчилар шу опамга нон синдириб кетишди. Мен бўлсам дардим ичимда қолавердим. У йигит мени севишини, совчиларни менга юборганини кимга ҳам айта олардим?

**- Кейин-чи?**

- Кўп ўтмай опамнинг тўйи бўлди. Опам жуда бахтиёр эди. Ичимга чироқ ёқса ҳам ёришмасди. Лекин нима ҳам қила олардим? Хуллас, тўйдан сўнг мен поччам билан учраша бошладим. Уни яхши кўрганим учун опам ҳам кўзимга кўринмади. Уларнинг турмуш қурганига уч йилдан ошса ҳамки опамнинг бўйида бўлмасди. Мен бўлсам кўп ўтмай ҳомиладор бўлиб қолганимни пайқадим. Бу ҳақда поччамга айтгандим, у мени юпатди ва: “ Сен бу ҳақда опангга йиғлаб гапириб бергин. Худди шу пайтда мен келиб қоламан-да, сенга ёрдам бермоқчи бўламан. Қолганини менга қўйиб бергин”, - деди.

**- Сиз шундай қилдингизми?**

- Бошқа йўл ҳам йўқ эди. Бу ҳақда опамга айтиб бераётиб қон йиғладим. Опам мени юпатаётганда поччам келиб қолиб, нима гаплигини сўради. Опам бор гапни айтди. Поччам менга ачинган бўлди. Сўнг бу гапни яшириш кераклигини, акс ҳолда қишлоқда шарманда бўлишимиз мумкинлигини айтди. Опам нима қилишини билмасди. Кейин поччам опам иккимизни Тошкентга олиб келиб ижара уйга жойлаб қўйди. Бошқаларнинг кўзига мен парда тикиш курсида ўқиётгандек, опам эса касалхонада даволанаётгандек эди.

**- Болангиз туғилдими?**

- Қани эди улар туғилишмаган бўлса? Бир эмас, иккита фарзанд кўрдим. Улар Хасан-Хусан эди. Оппоқ, дўмбоққина, худди ўзимга ўхшашарди. Мен опамга жуда ўхшаганим учун опамнинг паспорти билан туғруқхонага расмийлаштирилгандим. Бу фарзандларим энди опам билан поччамники бўлишди. Опам болаларимни олиб қишлоққа келганида тўй бўлиб кетди. Мен эса ҳеч нарса билмагандек, гўё ўқишимни битиргандек уйга қайтдим.



**- Кейин нима қилдингиз?**

- Аҳволим яхши эмасди. Худди касалга ўхшардим. Болаларимни бағримга босгим, тўйиб-тўйиб ўпгим келарди.

**- Шундай қилишингиз мумкин эдику!**

- Тўғри, лекин уларни ўзим тарбиялагим, ўзим катта қилгим келарди-да. Айтгандек, поччам мен учун яна бир иш қилди. Тошкентга келиб бир йигитни топиб, гаплашди. У йигит сохта куёв ролини ўйнаб, менга уйланиши керак эди. Йигитнинг танишлари совчи бўлиб келишди. Тўй учун поччам ҳамма нарсани уларнинг номидан харж қилди. Сохта куёвнинг қўлига беш юз-доллар пул берган экан. Хуллас у менинг ёнимда тўй куни росмана куёвдек ўтирди. Кейин у номимни оқлаб берди. Бирга у йигит билан Тошкентга келганимиздан кейин у ўз йўлига, мен ўз йўлимга кетдим.

Аҳволимдан хавотирга тушдими, поччам мени бир амаллаб Кореяга жўнатиб юборди. У ерда икки йил ишладим. Опамнинг номига анчагина пул жўнатдим. Болаларим яхши яшаши учун кеча-ю, кундуз тер тўкдим. Бир гал катта пул жўнатдим. Бу пулларга поччам менга Тошкентдан уч хонали уй ва битта “Нексия” сотиб олибди. Энди мен қайтганимдан кейин ўз уйимда бемалол яшашим мумкин эди.

**- Сохта куёв қаерда, деб ҳеч ким сўрамадими?**

- Поччам унинг ҳам йўлини қилди. Мен Кореядан “Эрим вафот этди. Шу ерга дафн этдик”, - деган мазмунда телеграмма жўнатдим. Поччам унинг номига худойи қилибди.

**- Ҳозир қаерда яшаяпсиз?**

- Мен Кореядан келганимдан сўнг, «ҳомиладорман»,деб гап тарқатдим. Поччам билан ўз уйимда учраша бошладим. Яна ҳомиладор бўлдим. Бу боламни эса уйдагилар ўша эримдан, деб ўйлашди. Ҳаётимда юз берган ҳамма нохушликлар поччамнинг саъй-ҳаракати билан ёпилди. Яъни, қор ёғилди, излар босилди. Мен эса “бева” деган ном олдим.

**- Опангизнинг ўз фарзандлари ҳам борми?**

- Йўқ, афсуски у фарзанд кўрмади. Фақат менинг эгизакларимни ўз боласидек катта қилаяпти. Болаларим ҳам опамни ўз онасидек яхши кўришади. Менга ҳатто парво ҳам қилишмайди.

**- Энди нима қилмоқчисиз?**

- Поччам боламни олиб қолиб, мени яна Кореяга жўнатиш тараддудида. Тўғри, яна ўзга юртга кетишим, пул топишим мумкин! Аммо, мен ҳеч қайга кетишни истамайман. Эгизакларимни олиб ўзим катта қилгим, уларга ҳақиқий оналари мен эканлигимни айтгим келаяпти. Ҳозир улар саккиз ёшга тўлишган. Бирам чиройли, ақлли болалар бўлишган. Қани эди улар мени она, деб чақиришса? Пул ҳам, уй, ҳатто машина ҳам кўнглимни кўтармайди. Оҳ, бу дунёда севги, муҳаббат кўзимни кўр қилиб, шунчалар кўп хатолар қилдимки!.. Қани энди тўғрилаб бўлса? Афсуски, энди бунинг иложи йўқ. Лекин энди бир умр виждон азобида қандай яшайман?

Опам бир куни менинг ёлғонларимни билиб қолса-чи? Қандай яшайди? Мени кечирмаса керак. Бу сир фош бўлса болаларимнинг тақдири не кечади? Шуларни ўйлаб тунлари кўзимга уйқу келмайди. Ҳаётимнинг шунчалар ёлғон билан тўлишига ким айбдор? Менми, поччамми? Ёки менинг ўрнимга опамни узатиб юборишган ота-онамми? Энди мен нима қиламан, қандай яшайман?

**Мунаввар йиғлаб юборди-да, гўшакни қўйиб қўйди. Бу аёлга: “Синглим, бўлар иш бўлибди. Аввало сиз опангизнинг бахтини ўғирлабсиз. Бу сирни билишса нафақат опангиз, балки қариндошларингиз ҳам сизни кечиришмайди. Яқинларингиз олдида юзингиз қаро бўлади. Майли, сиз бу гуноҳингиз билан опангизнинг оиласини сақлаб қолибсиз. Лекин эгизакларингиз сизни ҳеч қачон она деб чақиришмайди. Чунки улар она деганда сизни эмас, кўкрак сути бермаса ҳам, илик сути бериб боққан опангизни тан олишади. Сизнинг ҳам болангиз бор экан, шукр қилинг. Ўша болангиз учун яшанг. Эгизакларингизни эса унутинг. Ота-онангизни ҳам ўйланг. Кексайганда қишлоқ аҳли орасида ота-онангизнинг бошлари эгилмасин”, - дея маслаҳат берган бўлардик.**

***Азизлар! Сизлар бу адашган аёлга қандай маслаҳат берган бўлардингиз? Мактубларингизни ва қўнғироқларингизни кутамиз.***

**ГУЛБАШАКАР**

**ТАШРИФЛАРИНГИЗ...**

# ТУҲМАТНИНГ ҚОРА КУЧИ

- Туҳмат балосидан асрасин, деган гапнинг маъносини энди тушунаяпман,-дея аҳволини баён қила бошлади таҳририятга келган ўрта ёшлардаги жувон.- Энди тўрт болалик бўлганимизда, эрим мендан шубҳаланиб ўтирса-я...

**- Тинчликми?**

- Эҳ, нимасини айтай, шу можаролар туфайли оиламиз пароканда бўлди. Ҳозир танишларникида ётиб юрибман. Болаларимни кўрмаганимга ҳам тўрт ойдан ошди.

**- Очиқроқ гапиришингизнинг иложи борми?**

- Албатта! Ҳамма гап эримнинг амакиваччаси (электрик эди) уйимизга келиб, бузилган “учётчик”ни тузатишдан бошланди. У келган пайтда уйда ўғлим ҳам бор эди. У “учётчик”-ка керакли нарсани ёзиб бериб ўғлимни ёнимиздаги дўконга жўнатди. Шу чоқ уйга эрим кириб келди. Иккаламизни кўриб, бир ўқрайди-да, яна ўз иши билан кўчага чиқиб кетди... Аммо кечқурун ичиб келиб, уйни “бошига кўтарди”. Эмишки- у келганда биз амакиваччаси билан эшикни ичидан беркитиб ўтирган эканмиз. Ўртамизда “нимадир” бор эмиш. Бу жанжалга акасини ҳам чақириб келди.

**- Акаси уни инсофга чақирдими?**

- Қаёқда! “Бу гапни нега ўша пайтнинг ўзида гапирмасдан, кечқурунгача кутиб ўтирдинг?”- деб уни койий кетди. Эрим унга ҳеч нарса деёлмади.

**- Амакиваччаси билан юзлаштирмадингизми?**

- Юзлаштирдим. Аммо у эримнинг кайфи борлигини кўриб: “Сиз билан эртага гаплашамиз”,- дея жаҳл билан уйдан чиқиб кетди. Мен эса эримга: “Нима қилаяпсиз? Ўз оилангизни шарманда қилдингиз-ку! Ахир 20 йил турмуш қурган бўлсак! Болаларимиз катта бўлиб қолган бўлса... Яна... ўз уруғингизни бадном қилаяпсиз-ку! Амакингизнинг ҳурмати йўқми? Эсингизни йиғиб олинг!”- дея йиғлаб ёлбордим. Эрим эса мени уриб, афти-башарамни қонга белаб ташлади. “Тўрттала болангни ҳам ол-да, йўқол!”-деди. Эртаси акаси “Дамас” машина олиб келиб, мени, болаларимни ва кўч-кўронимни унга ортиб, отамникига юборишди.

**- Қайноғангиз нега укасининг оиласини бузишга уринаяпти? Бу масалада маҳалла фуқаролар йиғини, қолаверса суд органларига мурожаат қилмадингизми? Сиз тўрт боланинг онасисиз... Демак, тўрт боланинг тақдири бор ўртада.**

- Кошкийди буни тушунишса... Ярим йўлда: “Нега отамникига боришим керак, уйга қайтамиз”, деб туриб олувдим, эрим: “Ҳозирча сабр қил, энди сени қайтариб уйга олиб борсам, катта жанжал бўлади. Ҳамма гап-сўзлар совисин кейин олиб кетаман”,-дея бизни бировнинг уйига ижарага қўйиб келди. Аммо ўзи ҳолимиздан хабар ҳам олмади. Болалар билан жуда қийналдик. Ахийри, болаларни олиб яна ҳовлимизга бордим. Эрим билан акаси роса жанжал қилишди. Эрим мени ураверб майиб қилаёзди. Жоним қолмади. Болаларни ташлаб, отамникига кетдим. Болаларимни кўрай, деб борсам, яна калтакнинг тагида қолдим. Юрагим безиллаб қолди. Ҳаммасини ташлаб, Тошкентда турадиган бир қариндошимизникига келдим. У мени ишга жойлаб қўйди. Оғир бўлса-да, меҳнат қилиб, пул топаяпман. Ебичишимдан ташқари болаларимга ҳам кийим -кечаклар олиб қўйдим. Болагиналаримни жуда соғиндим, аммо эрим уларни менга кўрсатмаяпти.

**- Балки вақт эрингизнинг ҳушини жойига келтиргандир, сизнинг уйга қайтишингизни кутаётгандир?**

- Энди у билан яшашни истамайман. Менга қилган туҳматлари, ҳақоратлари ҳануз қулоғим остида жаранглайди. Ундан кўрган хўрликларим тушларимга кириб чиқади... - Аёл кўз ёшларини артаркан, яна давом этди:-Менга болаларимни берса бўлди!

**- Эрингиз сизни эшитишни истамаётган экан, ўз-ўзидан бу ишга ҳуқуқий органларнинг аралашуви зарур бўлади. Аммо яна бир бор оилангизни тиклашга уриниб кўринг. Болалар билан учрашиб, уларнинг фикрини сўранг. Ундан кейин... Тошкентда -яқинларингиздан узоқда, уй-жойсиз, “доимий рўйхат”дан ўтмасдан яшаш қийин. Болаларингиз билан эрингизнинг уйида яшашга эса қонуний ҳаққингиз борлигини унутманг! Бу борада Сизга холис фикр айтаоладиган қадрдонларингизнинг маслаҳатини олинг. Қолаверса, мухлисларимизнинг ҳам сизга айтадиган гаплари бордир? Ҳаммасини жамлаб, хулоса қилиш Сиздан...**

***Аёлнинг нигоҳи ер чизди. Фикрларимга ройиш берди чамаси, “маъқул” ишорасини қилди. У кетаркан, аям раҳматлининг: “Чумчуқнинг ҳам уяси бузилмасин” деган гаплари эсимга тушди...***

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

Акс-садо

**“Мен ҳам одамман-ку!”- 10-сон**

**ЭСЛАТМА: Ёмон одамнинг бети қурсин. Агар у қайноғангиз бўлса, бунинг устига аёлнинг ор-номуси билан ўйнашса, қандай йўл тутмоқ керак?**

**Муаллиф: Санобар**

# ЁМОНЛАРГА ИНСОФ БЕРСИН

Халқимизда: “Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил”, деган нақл юради. Бу ҳаётда нималарни кўрмайсан, киши.

Мақола қаҳрамони эри ўлиб, 40 ёшида бева қолган аёлнинг қайноғаси ҳам фахш ишлардан тап тортмайдиган, охиратни ўйламайдиганлар хилидан экан. Бундай кимсаларнинг фикру ҳаёли фақат бирон кўнглига ўтириб қолган аёлнинг висолига етишиш, қандай йўл билан бўлсада, нафсини қондириб, у билан бирга бўлиш. Аёлнинг кимлиги бундайларни қизиқтирмайди. Бундайлар бу аёл ўз жигаримнинг беваси-ку демайди. Унга тегажоғлик қилса жигарининг руҳи чирқирашини ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу эркак шўхроқ бўлиб (юзсизроқ десак тўғрироқ бўлади), укаси тириклик пайтларида ҳам унинг хотинига, яъни ўз келинига хирс билан қараб келган. Акс ҳолда келини қаерда бўлса ўша ерда пайдо бўлиб, бўлар-бўлмас анекдотларни айтавермаган бўларди. Агар ўз укасининг хотини, яъни ўз келини озгина “ўйнақироқ” бўлиб, унга жиндай рўйхушлик билдирганида борми, у ўша пайтлардаёқ ўз келини билан ётиб-туришдан ҳам қайтмаган бўларди. Яхшики келин андишали экан. Ўртадаги масофани сақлай олган. Қайноғасининг шилқимлик қилишига имкон бермаган.

Бундайларда уят нима қилсин, виждон нима қилсин? Бундайлар фоний дунёдан ўтиб кетган ўз жигарининг руҳи чинқирашини тушунишармиди?

Эри ўлган, боши очиқ бева аёлларга жуда қийин. Уларнинг бошидан турли бўҳтонлар қолишади, Бошида ҳар хил калтаклар синаверади. Оғзига кучи етмайдиганлар улар ҳақида турли иғволарни тарқатадилар. Энг ёмони одамлар ҳам аксарият ҳолларда улар ҳақида тарқатилган бўҳтонларга ишонадилар. Виждонсиз нусҳалар эса бундан фойдаланиб ўз кирдикорларини яширади. Қилғиликни қилиб, бечора бева аёлни ёмонотлиққа чиқариб, кўзини лўқ қилиб қараб тураверади.

Бева аёлга маслаҳатим, сиз хотини вафот этган бир эркак билан шаърий никоҳ ўқитиб, турмушга чиқиб ҳам қайноғангиздан қутила олмаётган экансиз, ўша янги турмуш ўртоғингизга бор гапни айтиб, уни ҳамма бўлиб ўтган ва бўлаётган гаплардан хабардор қилинг. Эрингиз билан маҳалла идорасига чиқиб, оқсоқол ва маҳалла фаолларининг ҳам олдидан бир ўтиб, улардан йўл-йўриқ, маслаҳат сўранглар. Зора маҳалладаги кўпни кўрган оқсоқоллар бу масаланинг бирон бир ечимини топишса. Ҳа айтганча, илгари бошингиз очиқ эди, ҳар хил гап-сўзлардан қўрқиб, бир томони андиша қилиб, маҳаллага чиқиб арз қилолмагандирсиз. Энди эса худога шукр, бошингизда шаърий никоҳдан ўтган ўз эрингиз бор. Ҳеч нимадан қўрқмасангиз ҳам бўлади. Ҳа, яна бир гап. Агар сизнинг эрингиз ва у кишининг хотини вафот этиб кетган бўлса, нега энди иккovинглар қонуний никоҳдан ўтиб қўя қолмайсизлар. Шунда бошингиздаги турли балолардан қутулган бўлардингиз.



Яна бир йўли - уйни шартта сотиб, ўша иймонсиз (бундай нусҳаларни бошқача яна қандай аташ мумкин) қайноғангизга суд қонуний ажратган ўз улушини гувоҳлар иштирокида, иложи бўлса маҳалла фаолларининг олдида бериб, бошқа бу ердан узоқроқ жойларга кўчиб кетишлик. Эрингиз рози бўлса, албатта. Ана шунда у турқи совуқдан қутулармидингиз...

Сизга сабр-тоқат, оилавий бахт тилайман. Ёмонларга Аллоҳ ўзи инсоф берсин.

**Равшан ИСОҚОВ,**
**Тошкент шаҳри,**
**Бектемир тумани.**

**“Ғурурнинг қулига айланган келин...” 13-сон**

**ЭСЛАТМА: Яхши оилага келин бўлдим. Аммо қайнонам билан ҳеч муросамиз келишмади. Бир куни унга аччиқ қилиб, отамникига кетиб қолдим. Ортимдан ҳеч ким сўраб келмади. Қайтиб борай десам ғурурим йўл қўймайди. Нима қилай?**

**Муаллиф: Наргиза Муродова.**

# ТУРМУШНИНГ МУШТИ БОР

Мақолани ўқирканман бир пайтлар эшитган бир воқеа эсимга тушди.

Бир келиннинг ҳеч нарсага уқуви йўқ экан, ҳаттоки шўрваниям тагини олдираркан, кир ювса совуни оқариб қолар, кўча супурса ортидан бир арава ахлат йиғишаркан. Қайнона-қайнота ўғлининг суюб олгани бўлганлиги сабабли, келиннинг айбини яширишибди. Лекин бир куни қайнона келини қўлини тупуклаб сигир соғаётганини кўриб қолибди. Ҳеч нарса демабди. Қайнонаси эртасига келинини кузатиб туриб, астагина тушунтирмоқчи бўлибди.

- Жоним болам, сигирнинг эмчагини сувга чайиб соғгин. Чунки унинг эмчаги ифлос бўлади. Қўлинг чарчаса сутга тегизиб яна соғгин, - дебди.

Келин эса: - Нега мени ёқтирмайсиз, ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ деяверасиз. Ўғлингизга ўзингиз кўзлаган қизни олиб бераверинг, - дебди-да, отасиникига кетиб қолибди. Анча пайт ўтса-да уни йўқлаб келишмабди. Қайтишга ўзининг ғурури йўл қўймабди. Акалари “элтиб қўяйлик” деса унамабди. Эрининг ҳам жонига текканмикан, уям йўқламай, онаси танлаган қизга уйланиб кетибди. Ғурури буюк келинчак эса, икки боласи бор эркакка хотин бўлиб, роса афсусланибди...

Азиз сингилжоним! Умр йўлдошингиз билан учрашиб оилангизга қайтинг. “Ўзгаларга кулгу бўлгунча уйингда тулки бўл”, дейишади-ку. Ота уйингиздан бошқа хонадонга мезбон бўлгач албатта шу хонадон одамларини “ўзимники” дейиш керак-да. Улар сизни ўғлига жуфти ҳалол қилиб олишгач, шу хонадоннинг расмрусумларига кўникиб кетиш керак, менимча. Ахир бирор юмушни кўнгилларидагидек бажара олмасак, ўз ота-онамиз ҳам койийдилар-ку, шундаймасми? Қўшнилардан бириникига касал кўргани киргандим. Келинчак тандирдан иссиқ нон олиб кирди. Куз фасли бўлишига қарамай у енгил кийинганди. Қайнонаси: “Вой болам, ҳозиргина иссиқ тандирдан чиқдингиз, “тандирда тананг қизийди”, дейишади, шамолламанг, бўйнингизниям ўраб, эгнингизга иссиқ кийиб олинг”, - деди. Лекин келинчак парвоям қилмади. Мен хонадондан чиқиб кетаётганимдаям келин шу кийимида эди. Бир кун эшитдимки, ўша келинчак ювиниб, енгил кийимда чақириққа кетибди-ю, нерв томирларини шамоллатиб касалхонага тушибди. Онаси келиб қудалари билан роса уришибди. “Нима, мен ёш қизимни сизларга хизматкор қилиб берганманми? Менинг болам, сизнинг фалон “болангизни боқаман”, деб келин бўлганмиди?”... - Шу тахлит бир қанча кўнгил қолгувчи гаплар орадан ўтиб икки қуда юз кўрмас бўлиб кетибди.

Қари момоларимиз: “Уйнинг бир бурчаги қон бўлади, бир бурчаги ёғ бўлади. Қонини ютсанггина ёғига етасан”, - дейишарди. Сиз қайнонангизга: “Мен кўп юмушларни унчалик эплаб кетолмаяпман, менга ўргатинг”, десангиз олам гулистон эди-ку. Шунда у сизнинг айбингиздан кечиб йўл-йўриқ кўрсатган бўлармиди. Қайнона ҳам - она. Бирпасда юмшаб кетади.

Азизим! Ёш умрингизни хазон қилмасдан оилангизга қайтинг! Оллоҳ берса, фарзандларингизни эрингиз билан бирга Ватанимизга фойдаси тегадиган қилиб камолга етказинг. Қайнота-қайнонангиз невараларини суюб чарчашмасин!

**Фотима БОЛТАЕВА,**
**Хоразм вилояти,**
**Қўшкўпир тумани.**

# ҲАЁТНИНГ СИРЛАРИ КЎП

**“Юрагимда бир дард бор” 42-сон, 2007 йил.**

**ЭСЛАТМА: Уч ўғилдан кейин худо бизга қиз берди. Ўша куни мен билан бир вақтнинг ўзида бир аёлнинг ҳам кўзи ёриб, қиз туғди. Қизим катта бўлгани сайин ўша аёлга ўхшаб кетаяпти. Тасодиф туфайли у аёлнинг қизини кўриб қолдим. У катта ўғлим Бобурнинг ўзгинаси эди...**

**Муаллиф: Мунаввара**

Мен ҳам ҳаётимда худди шундай дардни бошимдан ўтказганман. Икки аёл бир кунда 1959 йил 6 апрелда фарзанд кўрдик. Иккиси ҳам қиз эди. Биз уларни билмаган ҳолда алмаштириб олиб кетганмиз. У аёлнинг охирги фарзанди, меники эса биринчиси эди. Бу қизчалар катта бўла бошлагандан сўнг, унинг онаси сеза бошлаган. Бизнинг исмимиз бир хил - Хосият эди. Улар болани бизга бир ёшлигида олиб келишди. Лекин биз келишолмадик.

Мен у қизни 9-синфни битиргач, расмини кўрдим. Онаси келтириб берди. Расмини кўриб, вужудимда ўт чақнади.

Мен ҳозир етмиш ёшдаман Сурайёхон қизим ҳеч хаҿа бўлманг. Кўникиб кетишга ҳаракат қилинг. Уларнинг тақдирини азалдан яратган эгам шундай қилган. Улар қиз бола. Бир куни уларни узатасизлар.

Менинг берадиган маслаҳатим, ҳозирча уларга бу сирни очманг. Чунки сиз унга ота-онасизлар. Кейин улар ёш, ҳали бунга ишонмайдилар. Ҳаётнинг ҳали кўп сирлари бор. Шунинг учун сизларга маслаҳатим, сиз ота-оналар келишиб, қариндошдек бўлиб, борди-келдини узманглар. Вақти келиб улар вояга етишгач, ўзаро меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Сиз ҳам, Орзигул ҳам “иккита қизим бор”, деб фахрланасизлар. Меникилар ҳозир 48 ёшда. Бирининг 2 қизи, 1 ўғли бор. Ўзим ўстирган қизда 3 қиз, 2 ўғил бор. Улар борди-келди қилиб бахтли яшаяптилар. Мен 5 та қизим 6 та бўлганидан фахрланиб юраман. Уларнинг умри узоқ бўлсин, фарзандларининг бахту камолини кўриб, орқамда қолиб яшасинлар, деб дуо қиламан.

**Хосият АШУРОВА,**
**Навоий вилояти,**
**Қизилтепа тумани.**

**“Айнан менинг ҳаётим экан” 12-сон**

**ЭСЛАТМА: Оилада бешинчи қизман. Ота-онам ўғил кута-кута исмимни Ўғилой қўйишган экан. Отам мени яхши кўрмас, меҳр бермасди. Ўзимни ҳеч кимга кераксиздек ҳис қиламан. Отамни ҳам тушунишга ҳаркат қиламан. Лекин унинг меҳрсизлиги...**

**Муаллиф: Ўғилой**

# ОТАНГИЗНИ КЕЧИРИНГ!

Ҳурматли Ўғилой опа, дардларингизни ўқиб сизга ҳам раҳмим келди, ҳам ҳавасим келди. Лекин сиз ўз бахтингизни кўрмаётганга ўхшайсиз. Юрагингизни гина ва қора доғлар қоплаган, тушуниб турибман, отангиздан жуда хафасиз ва буни кечирмаяпсиз. Буни ҳам тушунаман, лекин ўзингизни ўзингиз тириклай кўмиб нима қиласиз? Наҳот ўзингизни заррача севмасангиз, ахир сиздан баттар одамлар қанча, ҳатто ота-она юзини кўрмаганлар ҳам бор.

Тўғри, отангиз сизга меҳр бермаган. Лекин юрагида сизга бўлган муҳаббат борлигини сиз сезмай қолгандирсиз. Ўзингизни қийнашни бас қилинг. Оқар сув бўйига бориб ҳамма дардларингизни ўша ерга ташлаб юборинг. Кейин эса дилингизда отангизга нисбатан бўлган нафратни чиқариб ташланг: “Отамни кечирдим, бўлди бас, қачонгача қийналаман, дилимда катта-катта умидларим бор, ҳаёт мен учун синовку ахир”, - деб 10та тошга битта-баттalab дардингизни айтинг-да, жуда узоққа ташлаб юборинг. Отангизга айтолмаган сўзларингизни битта варақҡа катта қилиб ёзиб, кейин сувга оқизинг. Мана шунинг ўзи сизга жуда фойда қилади. Бунга фақат ишонсангиз бас. Кўрасиз, ўша 10 та тош билан бирга юрагингизда муҳрланган ҳамма гиналар ҳам сувда оқиб кетади. Ана шунда ҳаммаси жой-жойида бўлади. Сизга омад тилайман. Болаларингиз бошида чарақлаган тонг бўлинг опажон!

**Рухсора ТУРДИЕВА,**
**Самарқанд вилояти.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Қизимиз ШАҲНОЗАХОН!

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Ҳаётингиз қувончли кунларга бой бўлиб, бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг.

Адангиз Акбар, ойингиз Манзура

Аяжонимиз МАРЯМ опа!

50 ёшингиз қутлуғ бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Биз—фарзандларингиз бахтига доим бор бўлинг.

Яқинларингиз





Фарзандларимиз ҲАМИДХЎЖА ва ФЕРУЗАХОН!

Таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Сизларга улкан бахт, сиҳат-саломатлик, ширидан-шакар фарзандларнинг ота-онаси бўлиб юришингизни тилаймиз.

Ҳурмат ила Турсуновлар оиласи.

Дўстимиз ТУРСУНМУРОД!

18 баҳоринг билан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ўқиш ва ишларингда омад тилаймиз.

Дўстларинг Бекзод, Аброр, Равшан.



Ўғлимиз Муроджон НАЗАРОВ!

Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин. Сенга узоқ умр, бахт-саодат, ўқиш ва ишларингда муваффақиятлар тилаймиз. Ҳаётинг қувончли кунларга бой бўлсин.

Яқинларинг номидан онанг Мунаввар



Назарали ТОШМАТОВ!

48 ёшингиз билан қутлаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Яқинларингиз.

Ҳурматли Муртазо СУЛТОНОВИЧ!

Таваллуд топган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Шогирдларингиз





Онажонимиз ШАҲРИБОНУ!

Туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Ҳаётингиз қувончли кунларга бой бўлиб, юзингиздан кулгу, лабингиздан табассум аримасин.

Фарзандларингиз.

«М.Н. САВДО» х/к Техника ва кўчмас мулк тижорати бўйича ишга таклиф қилади. ТЕЛ: 575-30-59

Оқтошда 8 сотих ер СОТИЛАДИ. Бассейн, айвони бор. Девор билан ўралган. ТЕЛ: 704-12-05

Фирмага бош бухгалтер тайёрлайман. Тел: 247-31-55

# ЭЪЛОНЛАР!

## «TO'RABEK ZIYO» ўқув маркази

**Ҳурматли ва азиз ота-оналар!** Фарзандларингиз келажакда танлаган соҳалари бўйича етук кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшликдан билим чўққиларини мустаҳкам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамиз!!!

**"Эй ўқувчи** — бу ҳаётда обрўли, кучли, енгилмас, иродали, **бой бўлишнинг ягона калити — билимдир.** Уни эгалласанг юқоридагиларга албатта эришасан. Шунинг учун **юракдан ўқи, бўлмаса сарсон бўласан!!!"**

***МАРКАЗ ШИОРИ***

Тошкент шаҳрида яшаб мактаб, коллеж, лицейларда ва боғчаларда ишлаётган тўлиқсиз ўрта маълумотга эга **ўқитувчиларни, тарбиячиларни ТДПУнинг махсус сиртқи факультетига,** поликлиника ва турли шифохоналарда, тиббиёт коллежларда ишлаётган тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлмаган ҳамшираларни **Тошкент тиббиёт академияси қошидаги "Олий тоифали ҳамшира" махсус сиртқи факультетига,** Тошкент шаҳрида ўқиётган 5-6-7-8-9 синф ўқувчиларини ҳамда лицей, коллежларда ўқиётган ўқувчиларни, республика миқёсидаги олий ўқув юртларига тайёргарлик кўраётган **абитуриентларни чуқурлаштирилган дастур асосида** Ўзбекистон Республикасидаги барча олий ўқув юртларига ҳамда, **"Westminster", Garvard, Oksford, Kembrij** ва бошқа чет эл ўқув юртларига **(TOEFL доирасида)** қуйидаги йўналишлар бўйича кириш имтиҳонларига **кафолатли тайёрлайди:**

**Иқтисод йўналиши:** математика, инглиз тили, она тили ва адабиёт; тарих;

**Ҳуқуқшунослик йўналиши:** тарих, инглиз тили, она тили ва адабиёт; математика;

**Тиббиёт йўналиши:** биология, кимё, она тили ва адабиёт; физика

**Техника йўналиши:** математика, физика, она тили ва адабиёт; тарих;

1. **Компьютер саводхонлиги** - компьютер ҳақида бошланғич маълумотлар.
2. **Windows XP** - сиз уни, у сизни тушунади.
3. **Microsoft Word** - матнлар билан ишлаш.
4. **Microsoft Excel** - электрон жадваллар билан ишлаш.
5. **Microsoft Power Point** - тақдимотлар тайёрлаш ва намойиш этиш.
6. **Интернет ва E-mail** - бутун дунё бўйлаб саёҳат...
7. **Web-саҳифалар яратиш** - безаклар, расмлар билан ишлаш.
8. **Бошқа тадбиқий программаларда ишлаш** - (сканер, антивирус, архив...)
9. **Ҳар хил дастурларни компьютерда яратиш.**

**Ўқув маркази тил ўрганувчиларни инглиз, рус тили курсларига таклиф қилади.**

**Ўқув марказида уй ҳамшираси, болалар массажи курслари мавжуд.**

**Дарсларни конкурсларда ғолибликни қўлга киритган, тажрибали мутахассислар олиб боради.** Тингловчилар ҳар куни соат **08:00дан 18:00 гача** қабул қилинади.

**Ўқув маркази раҳбарияти дарсларнинг сифатини кафолатлайди.**

**Тингловчилар ўқитувчиларни танлаш имкониятига эга.** Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Тингловчиларга сертификат берилади.

**Манзил:** Хадра меҳмонхонаси, 6-қават.

**Мўлжал:** Тошкент Давлат цирки биноси ёнида. **Тел: 244-26-09, 244-26-34**

## АБДУРАҲМОН хусусий шифохонасида

ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32-уй.
ТЕЛЕФОН: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.

2008 йил 8 май куни Фарход бозори яқинида 9-трамвайда қолдирилган сумкадаги "АДХАМ АУДИТ" фирмаси хужжатлари ва юмшоқ мухрини қайтарганга МУКОФОТ бор. ТЕЛ: 247-31-55

# БАХТИМИЗГА СОҒ БЎЛИНГ!



**Кутлов**

Отамиз Мирзо Жумақулов ички ишлар органида хизмат қилиб, нафақага чиққан. Ҳукуматимизнинг қатор медаллари ва "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органи аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Шунингдек, отажонимиз биз фарзандлари - 5 ўғил, 3 қиз ва 13 набиралари учун ҳам доим ибрат бўлиб келган. Отамиз "Оила ва жамият"нинг мухлиси ва тарғиботчиси. Газетанинг тарбиявий томонларини бизга кўп уқтиради. Биз—фарзандлару набиралар ҳам газетани навбатма-навбат ўқиб чиқамиз.

15 май отамиз Мирзо Жумақуловнинг таваллуд айёми. Шу муносабат билан отажонимизни севимли газетамиз орқали муборакбод этмоқчимиз. Онажонимиз Саида Эшонқулова билан фарзандлар бахтини кўриб юришини Оллоҳдан сўраб қоламиз.

**Ҳурмат билан, ўғил-қизлари: Шерали—деҳқон, Наргиза—ўқитувчи, Шерзод—молиячи, Нурали—тадбиркор, Нодира—уй бекаси, Бекали, Беҳзод, Навбаҳор—коллеж ўқувчилари.**

**Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Охунбобоев ж/х.**

Элита пардалари тикамиз, карниз ўрнатамиз. ТЕЛ: 376-09-11.

Газетамиз жонкуяри—Бухоро вилояти «Ситораи Мохи хосса» сиҳатгоҳи бош шифокори Абдулла Ҳакимовга рафиқаси **Раънохон САИДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этамиз.

**«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Оила аъзоларингиз билан келишган ҳолда бошлаган ишингиз сизга катта даромад келтиради. Шанба куни кўнгилли дам оласиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Кутилмаган янгиликлар эшитасиз. Лекин фикр билдиришга шошилманг. Акс ҳолда уялиб қоласиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Яқин дўстларингиздан бири билан учрашасиз. Чоршанба куни эса катта харидлар қилишингиз мумкин.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Бор кучингизни изланишга ва меҳнат қилишга сарфланг. Бу сизга омад ва маблағ келтиришини унутманг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Ҳафта сизга хотиржам кунларни бахш этади. Бировларнинг маслаҳатига кирманг. Ўз фикрингиз билан иш тутинг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Моддий етишмовчиликлардан қутуласиз. Қўлингизга каттагина маблағ тушади. Бироқ беҳуда сарф-ҳаражатлардан сақланинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Ҳафта тинч ўтса-да, анча толиқасиз. Якшанба куни яхшилаб дам олиб, янги ғайрат билан иш бошланг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ўзингизга топширилган ишларни қунт билан, қойилмақом қилиб бажаришга одатланинг.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Ҳафта тижоратчилар учун омадсиз кечади. Аммо, дўстлар билан мириқиб дам олиш учун қулайдир.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Ҳафта бир маромда ўтади. Лекин якшанба куни арзимаган гап учун оилангизда келишмовчилик чиқиши мумкин.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Олис қариндошингиз тўйга таклиф этиши мумкин. Бу таклифни рад этмаганингиз маъқул.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Муаммоларингиз ҳал бўлади, ишларингиз баракали бўлади. Бошингизга бахт қуши қўниши эҳтимоли бор.



*Синалган ҳақиқатлар*

**Агар одамнинг кулгуси:**

➔ баланд ва самимий бўлса, унинг соғлиғи яхши, ўзи эса очиққўнгил ва кучли шахс;

➔ қўпол бўлса, бу унинг эгоистлигини, у қадар ақлли эмаслигини билдиради;

➔ осуда юмшоқ бўлса, унинг характери юмшоқ ва бўйсунувчан, иродаси кучсиз;

➔ узуқ-юлуқ бўлса, туйғулари беқарор шахсдир;

➔ чин дилдан бўлса, у қувноқ ва яхши ахлоқ билан ажралиб туради.

# БАШОРАТНОМА

**(Боши ўтган сонларда)**

**ТОВУШ ВА КУЛГУ**

Инсон ҳақида унинг товушидан ҳам кўп нарса билиб олиш мумкин. Қуйидаги тавсифлар асосида суҳбатдошингиз ҳолати тўғрисида айрим хулосалар чиқаришингиз мумкин бўлади.

**Нутқ тезлиги.** Жонли, тез, жўшқин суръатда гапирадиганлар ўзига ишончи баланд, таъсирчан инсонлар бўлишади. Осуда, сокин ва секинлик билан гапириш эса пухта-пишиқликдан, оғир-вазминликдан ва мулоҳазакорликдан далолатдир. Нутқда тезликнинг тингловчи учун сезиларли даражада ўзгариб туриши енгил ҳаяжон, ўзига ишончсизлик, босиқликнинг етишмаслиги белгиси ҳисобланади.

**Овоз баландлиги.** Кучли товуш одатда, ички куч ва фаолликни билдиради; осуда ва кучсиз товуш эса – босиқлик, камтарлик, ёхуд энергия етишмаслиги нишонаси саналади. Овоз баландлигининг бирдан ўзгариб кетиши ҳолатлари кучли ҳаяжондан дарак беради.

**Артикуляция.** Сўзларни аниқ ва тушунарли талаффуз қилиш - ички интизом белгиси. Нутқдаги ноаниқлик эса одатда, ўзига ишонмайдиган, юмшоқ табиатли, ён босувчан одамларга хосдир.

**Вазн.** Вазн билан (сўзларга урғу бериб) гапириш туйғуларнинг бойлигини, босиқликни, келажакка ишонч билан боқишни англатади. Бир хил овозда (оҳангда) гапириш – ички зўриқишдан, интизомдан, совуққонликдан, расмиятчиликдан далолатдир.

**Ингичка-йўғонлик.** Фальцет (тўғридан тўғри таржимада "бош билан гапириш" дегани) ақл билан иш кўрадиган кишиларга хос. Кўкракдан чиқадиган товуш эса мулоқотларда табиий ва ҳаяжонга берилувчан кишиларга таааллуқли. Юқори ва чинқироқ товуш қўрқув ва ҳаяжонни, паст товуш эса осудалик, тинчлик, бўшашганлик ва ўз қадрини билишни англатади.

Қаршингиздаги кишининг қандай кулишига ҳам эътибор қаратинг. **А. Штанглнинг таъкидлашича:**

**"Ха-ха"** деб кулиш - очиқчасига, беғам ва юракдан кулишни англатади.

**"Хе-хе"** тарзидаги кулгу эса унчалик ёқимли эмас, кўпроқ қўпол ва ҳасадлидир.

**"Хи-хи"** - пинҳона ва айёрона, ичиқоралик ва истеҳзо аралашган кулгу.

**"Хо-хо"** деб кулиш мақтаниш ва таваллo қилишни билдириб, ўз мазмунига кўра масхараомуз ва қаршилик оҳангига эга бўлади.

**"Ху-ху"** шаклидаги кулгу яширин қўрқувни англатади.

**ХИРОМАНТИЯ**



Хиромантия юнонча сўз бўлиб, таржимада "қўлга қараб башорат қилиш" деган маъно англатади. Қадимги ва замонавий тадқиқотчиларнинг тасдиқлашларича, қўл кафти ва бармоқлардаги юзлаб асаб толалари узлуксиз равишда бош мия билан маълумот алмашиб туради. Бу эса уларда ўз изини қолдиради.

Бугунги кунда хиромантия генетика ва психиатрия соҳаларида ташхис қўйишнинг қўшимча усулларидан бири сифатида кенг қўлланилмоқда.

**Ўнг ва чап қўлларнинг фарқи.**

Иккала қўл ўртасидаги асосий фарқ шундаки, чап қўл инсон бу дунёга келганда унда мавжуд бўлган "юк"ни, ўнг қўл эса у ҳозирга келиб ким бўлганлигини англатади. Чапақайларда эса бунинг аксини кўрамиз.

Ўнг қўл кўпроқ ишлатилгани боис ҳаётимиз давомида юз берадиган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни ўзида тўплаб боради. Шу боис айрим фолбинларнинг чап қўлга қараб ром кўриши ишончсиздир. Инсон шахсини ўрганиш учун унинг иккала қўлини бирдек таҳлил этиш лозим.

**ПАНЖА ШАКЛИ**

Қўл панжаси шаклига қараб инсон характери ва мижози ҳақида кўп нарсани билиб олиш мумкин. Қуйида панжаларнинг умумий ҳолатдаги таснифи келтирилади.

**Классик хиромантияда қўлнинг етти хил шакли фарқланади:**

1 – одатий қўл. Кафт кенг ва қалин, билак салмоқли, бармоқлар калта ва "йўғон илдизли". Кафт эни унинг бўйи билан деярли тенг. Бош бармоқ анча калта бўлиб, деярли кўрсаткич бармоқ асосигача етади ва озроқ орқага тортилган. Оддий қўл шаклига эга бўлган кишилар кам нарсага қаноат қиладиган, жисмоний меҳнатга лаёқати баланд, бир нарсаларни даъво қилишни ёқтирмайдиган бўлишади.

**(Давоми бор)**

**ДАРМОН тайёрлади.**

**Юриш-туришимиз**

# КЎЗ ТЎЙИБ ҚОЛМАСИН...

Ҳар бир элат, миллатнинг ўзига хос урф-одати бор. Урф-одат эса, шу миллатнинг ҳаёт тарзини белгилайди. Ҳеч ким, ҳеч вақт нега, нима учун шундай, демайди. Кўз ўрганган, қулоқ кўниккан, одамзод одатланган.

Ҳинд аёллари белларини очиб юрсалар, европа аёллари кўкраклари ё болдир-сонларини очиб юрадилар. Араблар бутунлай либосга ўралиб олсалар, бошқа бировлар ҳатто юзларига ниқоб тутиб юрадилар ва ҳоказо... Ҳеч ким ҳеч кимни устидан кулмайди. Одатимиз шундай, деб кўникиб, ўрганиб кетган бўладилар. Санъатда ҳам, рақсда ҳам шундай: европалик аёллар оёқларини ўйнатсалар, араблар бўксаларини ўйнатадилар. Ҳиндлар белларини ўйнатсалар, ўзбеклар елкаларини ўйнатадилар ва ҳоказо.. Ўзларига бу ҳеч қачон эриш туюлмайди. Рақс қанча жозибали чиқса, томоша шунча қизғин бўлади. Бошқа миллат вакилларига эса бироз эриш туюлиши, ғайритабиий кўриниши мумкин. Демак, ҳамма гап кўз ўрганиб, қулоқ кўникиб, одамзод одатланишида экан. Биз ўзбекларнинг илгариги ҳаёт тарзимиз ўша замон одамлари учун қанчалик одатий бўлган бўлса, ҳозирги биз ўзбеклар учун шунча ғайриодатий бўлган. Ҳозирги аёлларимизнинг юриш-туришлари, кийинишлари, одамлар орасида ўзларини тутишлари бизлар учун одат бўлиб қолган бўлса, йиллар ўтиб бу одатлар ҳам у замон одамлари учун оддий бўлиб туюлади. Баъзилари эриш туюлади ҳам. Демак, ҳамма гап кўз ўрганиб, қулоқ кўникиб кетишида. Очиқ-сочиқ юрган аёлларни кўравериб кўз тўйиб қолгач, уларнинг бундай юришларида ҳеч қандай айб йўқдай бўлади-қўяди. Аёлларнинг шим кийиб юришларига, секин-аста белларини очиб қўйишларига ўрганиб қолган эркаклар кўзи бора-бора бошқа хил кийинишларига, юриш-туришларига, мулоқот-муносабат кўринишларига ҳам кўникиб кетади. Деярли яланғоч чўмилаётган, соҳилларда ястаниб, узала тушиб ўзларини офтобга тоблаб ётган қиз-жувонлар-у, хотин-халажларга айтарли эътибор берилмайди. Кўзи, ҳис-туйғулари тўйиб, кўникиб кетган эркаклар зоти ҳам уларга бепарво қараб тураверадилар. Қиёслаб кўрадиган бўлсак, ҳозирги ёш-яланглар бундан 50-60 йил бурунги ёш-ялангларга қараганда мижозлари совуб қолгандай туюлади. Меъдаси тўқ одам овқатга ружу қилмаганидек, кўзи тўқ эркак ҳам аёлларга оч назар билан қарамайди. Демак, аёлларнинг ҳаё қилмай, бўлар-бўлмасга танасини кўз-кўз қилиб очиб юриши, ўзини "бозорга солиши" оқибатда ўзларига панд беради. Кўз кўрмаган фалокат даҳшатли туюлганидек, кўз тушмаган, кўз кўрмаган аёл танаси, ҳатто, либоси эркакларга сирли, жозибали бўлиб туюлади. Худди шундай пайтларда аёл эркакни ёндиради, ўтга солади. Куйиб, ёниб ўтда жизғанак бўлаётган эркак бағрига мушарраф бўлган аёл бошқа ҳеч қандай эркакни тан олмайди! Демак, садоқатли эркакнинг кўзи ҳеч қачон ўз маҳрамидаги покиза аёлининг танаси-ю, сийнасига боқиб тўймасин. Бу ёғи энди - аёлларнинг қўлида! "Йигитлар менга қарасин", деб очиқ-сочиқ юриш - бу ютқазиш демакдир. Бора-бора эркаклар бунга ҳам кўникиб қоладилар. Аксинча, ҳатто уйда ҳам ибосини сақлаб либосига ўраниб, ўзига оро бериб юрадиган уй бекаси эрига ҳамиша жозибадор туюлади.

**Азимжон ҚОСИМОВ**

# ЯХШИ СЎЗ ЖОН ОЗИҒИ

Кўча-кўйда юрганимизда ё теварак-атрофимизда муомаламиз алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. Ҳар бир кишининг хоҳ у аёл бўлсин, хоҳ эркак муомаласи ширинлиги, одамлар орасида ўзини тута билишидан яхши оиладан тарбия топганлиги сезилиб туради. Акси бўлса-чи?! Ана унда кўринг, куни билан дилхираликни.

Яхшиси, бозордаги сотувчи ва харидор ўртасидаги муомалани кузатайлик.

- Опа, бунингиз қанча туради?

- Уч минг...

- Икки минг пулим қолибди. Келинг, шунга бера қолинг.

Сотувчи ўшқириб берди:

- Боринг, олмасангиз ҳам майли, бошимни қотирманг. Текини чиқиб қолар.

Харидорнинг ҳам тажанглиги тутдими: "Э бор-е", деб қўшни сотувчига юзланди.

- Бунингиз қанча туради, ака?

- Э, ассалому алайкум, ака, келинг. Нима берай? Буми, атиги уч минг. Яхши нарса, пулингиз ўзингиз билан кетади. Арзонроғи десангиз, ундайлари ҳам бор.

- Мана шунингиз ёқиб турувди-да, сал нархини келишсак, дегандим.

- Олинг ака, 2.800 сўм бераман. Маза қилиб киясиз.

Харидор пулни қандай қилиб санаб берганини ўзи ҳам сезмай қолди. Кетар экан, ўзича деди: "Муомаласи зўр экан. Тортишгани ҳам уяласан, киши. Аммо ширинсўз экан"...

Бу оддий, бир харидорнинг фикри.

Эрталаб ишга кетаяпсиз. Йўлингизда қўшнингиз чиқиб қолди ва: "Очилиб кетибсизми, кийимингизнинг ярашгани-чи", - деди.

Ана шу бир оғиз ширин сўз сизга кун бўйи кўтаринки кайфият бағишлайди. Ё аксинча ўша қўшнингиз сизни кўриб: "Вой, бу кишини қаранг, кийимингиз ярашмабди. Бошқаси йўқмиди", деса кўнглингизда ҳам унум бўлмайди.

Ана шу яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам битта оғиздан чиқар экан. Бир оғиз сўзимиз билан инсон қалби тоғдек ўсса, ўйламай айтилган ёмон сўзимиз дилни вайрон қилади. Зеро, умр ғанимат. Инсон ғанимат. Дунё ўткинчи. Шундай экан, бир-биримизга меҳр улашиб, яхши кунлар тилашиб яшашдан чарчамайлик.

***Яхшилик қил, яхшилик иста,***
***Ёмон сўздан зинҳор тилинг тий.***
***Меҳр отин, елдириб қиста,***
***Ҳар инсонни оғам дея суй.***

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Бўка тумани.**

# ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАРКАН...

*Ҳаётий кузатмалар*

**Нафақадаги бир мелиса дўстим ҳикояси:**

- Янги иш бошлаган пайтим. Мени бир катта "колхоз"га "участкавой" қилиб райондан жўнатишди. Бир куни бир рус йигити келиб, курка сўйиб, тушлик пайти меҳмон қиладиган бўлди. 3-4 киши бўлиб, йигитнинг уйида меҳмон бўлдик. Ҳовли саҳнига назар солсам, уйида товуқ ёки мол ҳам кўринмайди. Кўнглим бир нарсани сезгандай бўлди.

Меҳмондорчилик тугаб, раҳматлар айтиб қайтдик. Эрталаб ишга борсам, бир аёл катта куркаси йўқолганини айтиб, ариза ёзиб келибди. Мен аёлга куркасини топиб беришни ваъда қилиб, жўнатиб, кечаги рус йигитини ишхонага олиб келдим.

Тахминим тўғри чиққанини қаранг, ўша йигит ғирт ўғри бўлиб чиқса, денг!

Ўз ёнимдан бозордан курка сотиб олиб бериб, ўша йигит орқали онани рози қилганмиз. Шунақаси ҳам бўлиб тураркан, ҳаётда!

**Султонмурод ФАЙЗИЕВ**




*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*

**Nigora SUYUNDIKOVA.**
**Toshkent viloyati, Bekobod shahri, 11-maktabning 8 «A» sinf o'quvchisi.**





### SINFDOSH

*Birga o'sdik yoshlikdan,*
*Bo'ldik endi sinfdosh.*
*Tutundik dugona-sirdosh,*
*Ayrilmas dugonalar.*

*Haqiqiy chin do'stlar,*
*Tutunishdi bolalar.*
*Birga oldik baholar,*
*Ikki, uch, to'rt, beshlarni.*

**Zuhra SOLIHOVA.**
**Toshkent shahri, Yunus obod tumani, 97-maktabning 9-sinf o'quvchisi.**

### VATAN

*Vatandan kechma zinhor,*
*Bir umr bo'lasan xor.*
*Axir katta bo'lguncha,*
*Qo'ymadiku och-nahor.*

*Vatan hammadan ulug',*
*Kerak bo'lsa bolangdan.*
*Bolani topish mumkin,*
*Kechib bo'lmas vatandan.*

**Yulduz BOBOMURODOVA.**
**Samarqand shahridagi 24-maktabning 5 «V» sinf o'quvchisi.**





**Mehriniso QAYUMOVA.**
**Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahridagi 32-maktabning 4 «A» sinf o'quvchisi.**



**Gulyor POLVONOVA.**
**Xorazm viloyati, Urganch shahri, 3-maktabining 4-sinf o'quvchisi.**



### QISHLOG'IM QORATOSH

*To'kilgandir shu vatanga kindik qonim,*
*Senga beray, fido qilay shirin jonim.*
*Seng qo'shsam xissamni yo'q armonim,*
*Qishlog'imsan, aziz go'sham Qoratosh.*

*Avliyo-yu pirlar yotgan masjidingda,*
*Bobolarim omad tilar har ishingda.*
*Yigitlari Alpomishdek so'zlari o'tkir,*
*Qizlari-chi go'zallikda ta`rifi yo'qdir.*

*Bahoringda yaylovlaring to'lar lolaga,*
*Dehqonlari ishlov berar keng dalaga.*
*Shirin so'zdir odamlari yosh-u qariga,*
*Mehnatkash xalqimsan o'zing Qoratosh.*

**Madina QO'SHOQOVA.**
**Samarqand viloyati, Qo'shrabot tumani, 55 maktabning 9 «A» sinf o'quvchisi.**

### USTOZIMga

*Hayot yo'limni ochdi*
*Mehridaryo ustozim*
*Bilim sabog'in berdi*
*Mehridaryo ustozim*

*Ta`zim qilay men sizga*
*Boshim yerga tekkuncha*
*So'zingiz bizga ibrat*
*Mehridaryo ustozim*

**Adiba UBAYDULLAYEVA.**
**Qashqadaryo viloyati, Shahrisabz shahridagi 98-maktabning 6 «G» sinf o'quvchisi.**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

### ҲАЙВОНЛАР НИМА УЧУН МУЛОҚОТ ҚИЛАДИ?

Ҳайвонларга, айниқса, бир турга мансуб бўлган ва тўда бўлиб яшайдиганлари учун қариндошлик муносабатларини сақлаб туриш ёки хавфдан огоҳ этиш учун ўзаро мулоқот жуда зарур. Бундай мулоқотлар чоғида ҳайвонлар ўзининг жинси, ёши, тўдадаги ўз ўрни ва мавқеи, ўзи(ўзлари) яшайдиган ҳудуд ҳақида маълумотларни узатишади. Шунингдек, бу пайтда унинг ҳолати(тажовузкор ёки тинч ҳолатда эканлиги), бирор нарсадан қўрқаётгани, ўлжа ёхуд хавфнинг яқинлашиб келаётгани ҳақидаги хабар ҳам етказилиши мумкин. Масалан, аксарият сут эмизувчилар янги туғилган болаларини тинмай ялайдилар. Чунки шу йўл билан улар ўз боласига оналик меҳрини беришади ва унинг ҳидини эслаб қолишади. Бошқа бир ҳайвонлар эса болаларини улар чиқарадиган товушга қараб танийдилар.

### ҲАЙВОНЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЖУФТ ТОПАДИ?

Ҳайвонлар гаплаша олмаганликлари боис инсонлардан фарқли равишда танишиш ва севиб қолиш имкониятидан маҳрумдирлар. Уларда бундай имконият ва қобилият бўлмагани учун наслни давом эттиришнинг ҳайвоний инстинкти ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади.

Аксарият ҳолларда урғочи (мода) ҳайвонлар ўзлари юрган йўлда оз миқдорда феромон деб номланувчи хушбўй модда қолдиришади. Нар эса мана шу исга қараб унинг изидан боради. Битта нар ва мода бир умр оила бўлиб яшаши ҳақида ҳам гапириш нотўғри бўларди. Чунки ҳайвонларда оила тушунчаси мавжуд эмас.

Аммо айрим паррандалар, масалан, оққуш ва лайлаклар бир умр битта жуфт билан яшайди. Ўз жуфтини таниб қолиш учун улар патлардаги ёки бошдаги бирорта белгини эслаб қолишади. Шунинг учун мода оққуш бошини сувга ботириб тургани боис нар уни таний олмай қолмаса, жаҳли чиқиб чўқиб ташлаши мумкин.

### ҲАЙВОНЛАР ЎЗ ҲУДУДИНИ БЕЛГИЛАЙДИМИ?

Одатда ҳайвонлар ўзлари яшайдиган ёки ҳаракат қиладиган ва кун кечириш учун зарур бўлган озуқалар топадиган ҳудудларини белгилаб қўйишади. Бунинг учун уларнинг танасида ҳар бир ҳайвоннинг ўзигагина хос ва ҳидли модда ажратиб чиқарувчи безлар мавжуд. Айримлари бу моддани сийдик ёки ахлат билан, бошқалари эса дарахт ва буталарга ишқаланиб ажратиб чиқаришади. Шу ҳид боис бу ҳудудга келиб қолган бегона ҳайвон ушбу ерларнинг эгаси борлигини билиб олади.




Аммо тўда-тўда бўлиб яшайдиган ҳайвонлар бир-бирларини фақат ҳидларига қараб эмас, балки бошқача тарзда ҳам танишлари мумкин. Масалан, битта инда яшовчи ари ва чумолилар бир-бирларини мўйловларининг тебранишига қараб, бир турдаги ўрдаклар эса қанотларидаги ўзларига хос расмларга қараб таниб олишади.

### ҚИРОЛЛИК ТОВУСИНИНГ ДУМИ

Жуфтлашув мавсумида товусларнинг нарлари модаси учун кураш олиб боради. Бу пайтда мода товус ўзи майл билдирган нарнинг ёнига келиб, бошини ичига тортади, қанотларини пастга тушириб, думини кенг ёяди. Унинг думи жуда ажойиб бўлиб, узун-узун ва нозик патлардан иборатдир. Патлар тўқ яшил рангда, четлари металл ранги аксини берувчи ва кўз шаклидаги доғлари мавжуд бўлади.

### МУЛОҚОТ ВОСИТАСИДА ҲАЙВОНЛАР БИР-БИРИГА ЁРДАМ БЕРАДИМИ?

Айнан ўзларига хос мулоқот шакллари ёрдамида ҳайвонлар бир-бирларига ёрдам беришлари, айниқса, хавф-хатардан огоҳлантиришлари ва бир-бирларини қутқаришлари мумкин. Масалан, ғизоллар йиртқичлар ҳужумидан қутилиб қолишнинг ягона воситаси қочиш бўлганда тўдада ўзларини кучлироқ ва хавфсизроқ сезишади. Тўдадагилар ўтлаётганда ёки сув ичаётганда ҳар доим битта соқчи қолади ва у хавф туғилганда тўдани огоҳлантиради. Сув қундузи эса тўдадошларини хавфдан огоҳ этиш учун кучли думини сувга уриб шалоплатади.

Баъзи ҳайвон ва ҳашаротлар эса бир-бирларига емиш топишда ёрдам беришади. Хусусан, асаларилар қанотларининг ҳаракатлари ва ўзига хос ҳид таратиб, уядошларига нектар тўпласа бўладиган энг яхши гуллар бор жойни хабар қилишади.

**ДАРМОН тайёрлади.**

### МУШУКЛАР МЎЙЛОВИНИНГ ҲОЛАТИ



<u>1-ҳолат.</u>
Тинч ва бефарқ кайфиятдаги мушук.



<u>2-ҳолат.</u>
Қизиқувчан ва ҳадиксираётган мушук.



<u>3-ҳолат.</u>
Диққатини бир нуқтага жамлаган ва ҳаракатга шай мушук.

### ИТЛАР ДУМИНИНГ ҲОЛАТИ

<u>1-ҳолат.</u> Таҳдид қилаётган ит.
<u>2-ҳолат.</u> Ишонч билдираётган ит.
<u>3-ҳолат.</u> Одатий ҳолатдаги ит.
<u>4-ҳолат.</u> Ташвишли ҳолатдаги ит.
<u>5-ҳолат.</u> Итоаткор ҳолатдаги ит.
<u>6-ҳолат.</u> Тўла итоат ҳолатидаги ит.



12 Oila va jamiyat
№ 20 (863) 15 май — 21 май 2008 йил
Оила ва жамият

**Эр-хотинлар тоифаси**

# ҲАММА ҲАМ АҚЛ ТОПСИН ЭКАН

Ботир исмли бир йигитни биламан. У болалигидан бошлаб тарбияси оғир болалар орасида ўсди, эсини таниди. Вояга етгач, ўзига ўхшаган ўсмиринлар, қизлар билан дискотекаларда бўлди, хилват жойларда юрди, бемаза кинофильмларни томоша қилди. Бир кун келдики, эридан барвақт бева қолган онаси: "Ўғлим катта йигит бўлиб қолди, зора қуйилиб қолса, зора хотинига айланбош бўлиб шўхлигини ташласа", деган ниятда уни уйлантириб қўйди. Ростдан ҳам у уйлангач, анча босилиб қолди. Ҳайдовчилик ишига бориб, ишидан келиб, оиласини тебратиб юрди. Баъзилар уни: "Ҳайтовур, Ботир қуйилиб қолди", десалар, баъзилар: "Ҳа, Ботирвой ақлини топиб олди", дейдиган бўлишди. Онаси эса: "Ҳайрият, ўғлимга ақл кириб қолди", дея суюнди. Хотини Робия эрини "ёстиқдошим-ёнбошим" деб суйиб-эркалаб, тотув кунларни бошидан кечириб юрди. Ҳеч ким ҳеч нарсадан шубҳа қилмайдиган бўлиб қолди. Ҳақиқатан ҳам Ботир уйим-жойим, оилам дейдиган йигитлардан бўлиб чиқди. Шунақа-да, айрим шўх болалар ўсмирлигида "чатоқ"роқ бўлсалар, уйланганларидан кейин бинойидай қуйилиб қоладилар. Бунақанги йигитларга ҳаётда мисоллар талайгина...

Орадан беш йил ўтди. Ботир билан Робия икки ўғиллик бўлдилар. Улар тинч-хотиржам яшашда давом этавердилар. Ботирнинг ёшликдаги шўхликлари эса бу пайтга келиб, ҳамма таниш-билишларнинг эсидан чиқиб кетди...

Ботир билан Робиянинг турмуш қурганларига олти йил тўлганда улар яна бир ўғил кўрдилар. Уй ўғилларга тўлди. Робия тўғриси ўзига ҳамроз, ҳамдард, ҳамфикр бўладиган қиз кутган эди. Бироқ Аллоҳ таоло буни унга ҳозирча раво кўрмади. Нима қилибди? Вақти келганда уч ўғилга уч келин-қиз келади. Уй қизларга ҳам тўлиб кетади...

Ботир тадбиркор тоғасининг олди-сотди билан шуғулланадиган хусусий фирмасида мол ташиб юраркан, болаларининг бахтига яхшигина пул топа бошлади. Пулга қизиқиб қолди. Натижада, у бунга ҳам қаноат қилмай, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, машинасида киракашлик қилди. Кўчада ким кўп, ҳар хил тоифали одамлар кўп. Аёллар ундан ҳам кўп. Ҳозирги пайтда шахсий таксиларга кўпроқ аёллар қўл кўтарадиган бўлиб қолган. Пул тўлашга келганда ҳам улар қисиб-қимтиб ўтирмайдилар. Буни Ботир киракашлик қилиб юриб анча фаркини қиладиган бўлиб қолди. У яна бошқа нарсани ҳам тушуниб қолди. Баъзи аёллар Ботирни гапга солишларининг маъносига етди. Шунданми ёки Ботир ёшлигида қизлар билан кўп мулоқотда бўлганиданми, у ҳам "сергап" аёллар билан гаплашиб кетишни маъқул кўрди.

Бир куни шундай аёллардан биттаси Ботирни атайлаб гапга солди. Унинг қарчиғай кўзларига тикилиб-тикилиб қўйди. Илмокли ҳазил-мутоиба гаплар ташлади. Ҳимо билан имо-ишорали гаплар қилди. Ботир жувоннинг сўзларига, кўз қарашларига қизиқиб қолди. Аёл буни сезгандай гапини тўхтатмади. Йигитнинг кўзларига қараб сузилишини қўймади. Ўрталарида бирор бир жиддий гап бўлмаган бўлса-да, ҳар иккови ўзларида яқиндан танишиб олишга мойиллик сездилар. Шу пайт улар аёл айтган "дом"ига етиб келдилар. Ботир "Нексия"сини тўхтатди. Аёл эса машинадан тушишга шошилмай, гапини давом эттираверди. Шунда Ботир унга тузукроқ қараган эди, жувоннинг ҳаяжондан ранги ўчиб, лаблари қуриб қолганини пайқади... Аёл Ботирни уйига таклиф қилди.

- Уйда ҳеч ким йўқ. Юринг, бирпасгина гаплашиб ўтирамиз, - деди у.

Ботир аёлларнинг "гаплашиб ўтириши"дан муддаолари нима эканини яхши биларди. Шундан бўлса керак, бир зумда у ҳам аёлнинг ҳозирги ҳолатига тушиб қолди.

У:

- Ростдан ҳам уйда ҳеч ким йўқми? - деди зўрға овози титраб.

Аёл:

- Йўқ, қўрқманг. Мен сизни еб қўймайман, - деди сузук кўзлари билан табассум қилар экан.

Улар уйга киришди...

Шу-шу бўлди-ю, Ботир Гулнавоз исмли бу жувон билан вақти-вақтида, вақти-вақтики, аёлнинг эри йўғида у билан учрашиб, ишқибозлик нашидасини баҳам кўриб юрди...

Бир куни Ботир Гулнавоздан:

- Мен билан бундай учрашиб юргани эрингиздан қўрқмайсизми? - деб сўраган эди, Гулнавоз парвойига келтирмай:

- Нега қўрқар эканман? Аввало у бизни билмайди. Билиб қолганда ҳам сиз қўрқманг. Ўзим тўғрилайман, - деб Ботирни дадиллаштириб қўйди.

Ботир ҳам "кўчада юрган" йигит эмасми:

- Ундай бўлса, майли, учрашиб турганимиз бўлсин, - деди.

Шу бўлди-ю, улар йил мобайнида кўришиб, "ёзилишиб" юришди...

Шуниси таажжубки, Гулнавоз дастлаб Ботирдан пул ҳам, совға ҳам талаб қилмади. Шунга ишора гаплар ҳам қилмади. Гулнавознинг туғилган куни ҳам ўтди, 8 март ҳам ўтди. Ботир унга совға-салом қилмади. Айш-ишратлари учун қанақа ичкилик бўлсин, нима егулик бўлсин, шунгагина пул сарф қилиб юрди. Аммо Гулнавоз бора-бора бунга қаноат қилмади. Унинг фикри ўзгариб қолдими ёки олдиндан режалаштириб қўйган мақсади бормиди, секин-аста уни-буни баҳона қилиб, совға-салом олдирди. Нарироққа бориб, пул сўрайдиган бўлди. Айтганини олиб берди, кўп бўлмаса-да, сўраган пулини тутқазиб турди.

Кунлар, ойлар ўтаверди. Қизлик пайтидан бошлаб пулга ўрганиб қолган Гулнавоз турли хил важларни рўкач қилиб, дам совға, дам пул талаб қилишда давом этаверди. Бир пайт келдики, Гулнавоз билса, ўзига ўхшаган "юримсак" аёллар жазманларидан анча-мунча пул олишар экан. Мўмайгина пул кимларнинг кўзини ўйнатмайди, дейсиз. Шунда у Ботирдан "ойлик" бериб туришни ўртага қўйди. Ботир бунга кўнмади. Чет эллардагидек, унинг танасини пулга сотиб олар эканман-да, деган хаёлга борди. Ундан ҳам, ўзидан ҳам жирканиб кетди. Шу бўлиб, у Гулнавоздан ўзини тортди. "Дунёда аёл битта сенмисан", деди-ю, қўл силтади. Орадан кунлар ўтди. Гулнавоз қараса, Ботир бутунлай қорасини кўрсатмайдиган! У: "Шошмай тур, мендан қочиб қутулиб бўпсан", деди-ю, Ботирнинг уйига қўнғироқ қилди.

У:

- Агар эртага "ўша вақт"да меникига келмасангиз, уйингизга бориб, қўлингиздан тутиб, сизни оилангиздан олиб чиқиб кетаман! - дея пўписа қилди.

Ботир буни эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. У: "Гулнавознинг фарзандлари йўқ. Эридан эса заррача ҳам қўрқмайди. Ҳа, нимагадир қўрқмайди... Номигагина уни эр қилиб юрибди, чоғи. Уй-жойи эса буники экан. Бинобарин, унинг қўлидан ҳар нарса келиши мумкин. Мен ҳам оилали, бола-чақали одамман", деб ўйлади. Ботир чини билан ҳам шундай ўйладими-йўқми, бизга қоронғу. Аммо аслида унинг "уй"и бошқа, "кўнгли" бошқа эди. У ўзини Гулнавоздан ҳарчанд узоқ олиб юришга ҳаракат қилмасин, унинг бутун майл-эҳтироси Гулнавозни, у билан шўхликлар қилиб ётиб-туришни қўмсар эди. Гўё, шунча йилдан бери хотини Робия билан севишган, бир-бирларига жон бахшида қилган бу йигитнинг муҳаббат алангаси шу йилларга келганда сўниб, адо бўлган-у, энди унинг қалб-вужуди бошқа янги муҳаббат оташларини истаб қолган эди. Яна шу нарса ҳам бор эдики, рост бўлса, Гулнавоз ҳам Ботирга жисман боғланиб қолган эди. Ботирнинг залворли қайноқ қучоғига у ҳамиша ўзида муштоқлик сезарди. Шу сабабдан ҳар иккалови бир-биридан ажраб кета олмай қолганди. Пул, совға-салом бу - жугутдан жиззадек гап эди. Бир кун келдики, Гулнавоз яна рост бўлса, Ботирдан ҳомиладор бўлиб қолди. Гулнавоз зудлик билан эридан ажрашди. Кўпам вақт ўтмай эса Гулнавоз ким билиб, ким билмай, Ботирга ноқонуний равишда ғайри-шаърий йўл билан хуфёна иккинчи хотин бўлиб эрга тегди. Келишувга мувофиқ Ботирнинг уйидагилари уларнинг бу иттифоқидан бехабар қолдилар.

Шу-шу Гулнавоз турли хил важ-корсонлар кўрсатиб, Ботирдан яна пул, яна совға-салом талаб қила бошлади. Уни-буни олиб беринг, деб қистоққа оладиган бўлиб қолди. Тилла узук, тилла зирак олдирди. Ботир топган пулининг кўпини бора-бора шу "хотин"га сарф қила бошлади. Бу эса албатта, ўз оиласига қиладиган сарф-харажатларида сезила бошлади. Хотини Робия эса буни гарчи сезса ҳам, нечундир бир нарса демади. У ҳам тикувчилик касб-корига бориб, уйда юмушларини қилиб, яна борадиган жойларига бориб-келиб юраверди. Худдики, унга эрининг топар-тутаридан кўра уни тинч қўйгани маъқул эди. Эрининг "қаёққа бординг?", "нега кеч келаяпсан?" деб сўрамай қўйгани унга кўпроқ ёқарди...

Шу бўлиб, орадан салкам бир йил ўтди, деганда Гулнавоз қиз туғди. Яна совға-салом қилиш, гул сўраш бошланиб кетди. Кунлар кетидан ойлар ўтиб, қизча кўзга кўринарли, қўлга оларли бўлиб қолди. Бир пайт келдики, Ботирнинг қизи ўзига ҳеч ҳам ўхшамаслигини мутлоқ тан олди...

...Одатда, Ботир туш пайтида Гулнавозникига келмасди. Бир куни қўлидаги гўштни ташлаб чиқай, деб тасодифан келиб қолди. Ҳар доим қулф-лоғлиғ турадиган эшикни чўнтагидаги калит билан ўзи очиб кирди. Шунда у қайси кўз билан кўрсинки, бир бегона йигит залда қизини тиззасига олиб ўтирибди. Ботир унга қанчалик ҳайрон бўлиб қолган бўлса, у йигит ҳам Ботирга шунчалик ҳайрон бўлиб қолди. Шу онда Гулнавоз балконда эди: "Адаси чой ичасизми?" - дея залга кириб келди. Ботир эътибор бериб қараса, қиз у йигитга қуйиб қўйгандек ўхшаб турибди! У тушундики, қиз уники эмас, бу йигитники!

Демак, Гулнавоз ўзи билан "борди-келди" қилиб, айш-ишрат суриб юрган кезларида шу йигит билан ҳам дон олишиб юрган. Ҳатто, Ботир назарида, Гулнавоз ундан кўра шу йигит билан кўпроқ учрашиб юрган. Шу сабаб ҳам болани Гулнавоз Ботирдан эмас, у йигитдан орттирган... Гулнавознинг Ботирдан кейинги вақтларда бир нарсали бўлиб қолай, деб ҳадеганда совға, ҳадеганда пул талаб қилиши шундан экан. Ботирга ҳаммаси тушунарли бўлди. У шартта орқасига ўгирилди-ю, эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди... Унинг учун бу даражада ифлос аёлга бир оғиз сўз айтиш ҳам ҳайф эди...



Шу бўлди-ю, Ботир Гулнавознинг уйига қадам босмади. У росмана бузуқ аёл экан, ундан жирканиб кетди. Шунча вақтдан бери у билан оғиз-бурун ўпишиб юргани учун ўзидан нафратланди. Ўзини итга теккандай ҳис қилди. Унга алданган, унинг ҳийла-найрангларига учгани учун қаттиқ ранжиди, изтиробда қолди. Ҳа, ўзини "юрган йигит" деб билган иззат-нафсли Ботир учун бу - чиндан ҳам кечириб бўлмас қилмиш эди...

"Омади гапни айтганда, - деди Ботир бир пайт ўзига келиб, - ўз эрини алдаб, унга хиёнат қилиб юрган аёл менга, қўпол қилиб айтганда, мен ўйнашига хиёнат қилмайдими, қилади! Менга ҳам, уйдаги у йигитга ҳам ва ким билади яна қанча эркаклар зотига навбатдаги эркакка: "Сиз менинг ягона жазманимсиз", дея хиёнат қиларкин! Шундай бўлгач, ундай ифлос аёлдан хафа бўлиб юришнинг ўзи яна бир марта аҳмоқлик! Яхшиси, тўғри юриш! Фарзандларнинг онасига, ўзини кўз очиб кўрган танмаҳрамингга хиёнат қилмаслик!.."

Шу бўлиб, Ботир 5-10 кун хаёлга ботиб, орланиб юрди. Сўнг ўзини қўлга олиб ишга, пул топишга, болаларининг тарбиясига берилиб кетди. Робия эридаги бу ўзгаришлардан сергакланаркан, бир ҳисобда суюнди. Эрининг ҳуда-беҳудага кўчага чиқишлари, узоқ-узоқ йўқ бўлиб кетишлари барҳам топганидан хурсанд бўлди. Бироқ бир куни Ботир пешинда уйига тушлик қилгани келса, хотини уйда йўқ экан. Якшанба куни бўлганлиги учун болалари уйда - катта ойисининг қўлида қолибди. Онасидан: "Робия қани?" - деб сўраган эди, онаси: "Оббо, ҳозир жанжал кўтармасайди", деб ўйлаб: "Билолмадим, болам. Менга бозор-ўчар қилиб келаман, деб кетган эди, келиб қолар", - деган ҳадик жавобини қилди.

(Давоми 13-бетда)



## Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари



# ВОЙ ДОД, ПУЛИМНИ ЎҒИРЛАШДИ!

Бозорнинг қоқ марказидамиз. Дугонамнинг қўлидан тутиб, расталар оралаб ўтиб борар эканмиз, кўзимиз бир-бирherидан чиройли ва бежирим, харидоргир бўлган либосларда бўлса, хаёлимиз сумкамизда, аниқроғи ундаги пулда эди. Бозор ичида одам тўла, кимдир бизни туртиб ўтса, кимдир йўл берар, ҳамма ўзи излаётган, сотиб олмоқчи бўлган нарсани қидириш билан овора. Шу пайт дугонам:

- Бозордаги ўғирликлар ҳақида эшитганман-у, ҳеч кўзим билан кўрмаганман. Ростмикан-а?! - деб қолди.

- Рост бўлганда қандоқ. Ундан кўра эҳтиёт бўлайлик, - дедим сумкани маҳкамроқ ушлаб.

Хаёлимга эса ғалати-ғалати фикрлар ўрмалай бошлади. Икки дугона билган-эшитган ўғирликларни бирбиримизга гапира кетдик.

- Анави, кетаётган йигит ўғри бўлса-я, - дейман кулиб.

- Қўйинг-е, шундай келишган бола-я, ўғримасдир?! - дейди дугонам. Негадир ўғри гумонасини нуқул ўғил болалардан излардик. Буниси ҳам эмас экан. Анавими, у ҳаммас. Дугонам қотиб-қотиб куларди. Шу пайтнинг ўзида содир бўлган воқеа эса бизнинг беъмани ўйларимизни юзага чиққани эди.

Шундоққина ёнгинамизда турган аёл ҳадеб атрофга аланг-жаланг қарар, нуқул:

- Пулим қани, пулим йўқолибди, ўғирлашибди, - деб зорилларди.

Ҳайрон эдик. Наҳотки, ҳозирги гаплар чинга айланди?!

- Ана сизга ўғирлик! - дедим-у, воқеанинг давомига кўз тикдим.

Аёл ҳамон йиғлар, қаерга боришини, кимга кўнгил ёришини билмасди.

- Бир сўм ҳам қолдирмабди-я, номардлар, уйда фарзандларим бозордан бир нималар келтиришимни зор кутиб ўтиришганди. Воҳ-ей!

Очиғи, аёлга раҳмимиз келди. Атрофдаги одамлар ҳам бу оҳ-у зорларга чидай олмадилар чоғи, ўғрини лаънатлаб, бу пуллар буюрмаслигини таъкидлардилар.

- Синглим, тўхтаб туринг, - деди мато сотаётган аёллардан бири. - Энди йиғи-сиғининг фойдаси йўқ, ўғрини тополмайсиз ҳам, манавини олинг, озроқ лекин, ул-булга ишлатарсиз.

Аёл аввалига тортиндими, олдинига ботинолмай турди-да, сўнг секингина пулни олди. Яна йиғлай бошлади. Шошқатор кўз ёшларини артар экан:

- Раҳмат, опажон. Бошим омон бўлса, бир кун қайтараман, албатта, - деди.

- Қўйинг-э, синглим, сизга озор берганга худонинг жазоси бордир.

Сотувчининг бу ҳиммати ён-атрофдаги шерикларининг ҳам кўнглини забт этдими ёҳуд аёлнинг нолаларига бардош бера олмадиларми, улар ҳам ўз ёрдамларини аямадилар. Пул йўқотган аёл беҳолгина, терак япроғидай дир-дир титраб пулларни олар экан, кун келиб қайтаражагини бот-бот такрорлаб одамлар орасига кириб кетди.

- Ўртоқжон, кета қолайлик, барибир, бизга ёқадигани топилмаяпти-ку, - дейман, - негадир кайфиятим йўқ.

- Озгина шошманг, мени ҳалиги аёлга раҳмим келди, бирам ачиндимки!

- Ҳа, келинг, энди ўз ишимизни қилайлик.

Ўша куни бозордан қайтгач ҳам бир неча кунга қадар бу кўриниш ёдимдан чиқмади.

Орадан кўп ўтмади. Турмуш тақозоси билан шошганимча бозорга тушдим. Гавжум бозорда турфа хил одам, турфа феъл-атвор. Керакли нарсаларни сотиб олгач, чиқиш дарвозасига етиб қолгандимки, қий-чув, йиғи-сиғи бўлиб кетди.

Қизиқиш билан тўхтадим. Воқеани тагига етишни истардим.

- Пулимни ўғирлашди! Мени шилиб кетишди! Нима қиламан энди?! Уйда болаларим мени кутишаётганди, бир нималар олиб келади ойим, деб ўтиришганди... Энди нима қиламан, қайга бош ураман? - аёл зор йиғлар, зир-зир атрофга югурарди.

Йиғилганларнинг аёлга ачинаётганликлари яққол сезилиб турар, ўғридан нафратларини яширмасдилар. Негадир, бу воқеа яна такрорланаётганига ҳайрон бўлдим. Гаплари ҳам, нолиши ҳам ўшандай.. Эътибор билан аёлга тикилдим. Йўқ, дейман ўзимга-ўзим. Хаёлларим ёлғон, ўйларим хато, кўзларим мени алдамоқчи. Бу мен билган аёл эмас, бўлиши мумкин эмас. Кўз ўнгимда ўша аёлнинг кўриниши намоён бўла бошлади. Астагина бу аёлга разм солдим. Хаёлимдаги ва ёнгинамдаги аёлнинг вужуди бирлашиб борарди.

- Наҳотки, - дейман ишониб-ишонмай. Ҳа, бу ўша аёл. Унинг овози, кўзлари ўша-ўша. Ўзимни ўзим тушунолмай қолдим. Бу вақтда бозордаги серҳиммат кишилар, “бечора” аёлга кўнглидан чиқарганларини узатишар, бу билан аёл кўнглига таскин бериб, ўғриларга худонинг жазосини сўрардилар. Аёл тортиниб, иймаnибгина пулни оларкан, албатта бир кун келиб қайтаражагини бот-бот такрорлаб, кўзида ёш билан одамлар орасида кўринмай кетди.

Бошим ғовлаб борарди. Бу кўринишга нима муносабат билдиришни, қандай таҳлил этишни билмасдим. Дугонамга қўнғироқ қилдим...

Аёллик тароватини, оналик нафосати-ю, бекалик саодатини бу ғафлат босган ишга алишган, кимларнингдир раҳмини келтиришга уриниб, нимагадир эришишга интилаётган аёлнинг бу ҳаракатини изоҳлашга ожиз бўлиб қолдим.

**Маҳиёра БОЙБОБОЕВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Фарғона шаҳри.**

# ФАРЗАНДЛАР УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Ҳозирги кунда ёшларимиз тақдирини бир-бирига боғлашда “етти ота суриштириш” удумини кўпинча ёддан чиқариб қўйилмоқда ёки кўрибкўрмасликка олинмоқда.

Ҳар бир инсон яхши ният билан қиз узатади, келин туширади. Халқимиз ҳар бир ёшга илоҳим қўша-қаринглар, ўзларингдан кўпайишиб, тинч-тотув яшанглар, деб оқ фотиҳа беришади. Афсуски ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Айниқса, ҳозирги кунда нимагадир ёшларимиз орасида бир-бирини тушунмаслик, ёки нотўғри фикрловчи ота-оналар таъсирига тушиб қолишдек ҳоллар тез-тез учраб турибди.

Қишлоқдаги икки қўшни қуда бўлишди. Иккала томон ҳам ўрта миёна яшайдиган рўзғорлар эди. Тўй мўъжазгина, яхши ўтди. Одатдагидек меҳмонлар оқ фотиҳа бериб тарқашди. Орадан 12 кун вақт ўтди. Ҳар доимгидек иш билан маҳалла оралаб юриб, эшитиб қолдим. Янги келин-куёв аллақачон нарсаларини ҳам бўлиб олиб, ажрашишга улгуришибди. Дарҳол маҳалла фаолларини олиб, куёвникига бордим. Нима гаплигини суриштирдим. Эмишки, келин касалманд, рўзғор ишларига уқуви йўқ эмиш. Ваҳоланки, мен у қизни жуда яхши танир эдим, чунки қизимнинг синфдоши, уйга тез-тез келиб ул-бул ишларга қарашиб турар эди. Наҳотки мен таниган, билган қиз шундай бўлса, ҳайрон бўлдим. Йигитнинг онасига биргалашиб борган онахонимиз ҳам, посбон, мен ҳам ҳар қанча тушунтиришга уринмайлик бефойда бўлди, тушунишни истамади. Ўғлим бир умр армон билан ўтмасин, келинни мен танлаган эдим, энди ўзим жўнатиб юбордим деб туриб олди. Никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтган, шифокорлар соғлом деб, ёзиб беришганку десак, дўхтирлар ёзиб бераверади-да, бекор гап, деб туриб олди. Биз шундан кўпроқ афсусландикки, оилада отанинг ўрни умуман йўқ экан. Йигитнинг онаси ҳам, ўзи ҳам отани бир оғиз гапиргани ҳам қўйишмади.

Маҳалла яраштирув комиссияси, фаоллари, оқсоқоллари аралашди. Минг афсуски, оилани сақлаб қола олмадик, ажрашишди. Орадан кўп вақт ўтмай қиз аёли қазо қилган, 3 нафар фарзанди бор йигитга турмушга чиқди. Ҳозирги кунда тинч-тотув ҳаёт кечиришаяпти. Йигит эса ҳали уйлана олгани йўқ. Чунки, оиласи ўртамиёна, онаси ногирон, бир амаллаб ҳаёт кечиришади. Уйланишга ортиқча маблағи йўқ.

Қиссадан ҳисса шуки, азизлар, ота-оналар биз — ёшларнинг бошини қовуштиришдан аввал тўғри фикрлаб, бирни кўриб фикр қилиб, бирни кўриб шукур қилиб, сўнгра яхши ишларга қўл урайлик, зеро ёшларимизнинг асал ойлари бир умрлик, бахтлари барбод бўлмасин!

**Улбозор ХЎЖАҚУЛОВА,**
**Жиззах вилояти, Бахмал тумани**
**«Маданият» маҳалласи диний-маърифат,**
**маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиси.**

# ҲАММА ҲАМ АҚЛ ТОПСИН ЭКАН

**(Боши 12-бетда)**

Ботир пинакка кетди. Уни турли нохуш хаёллар олиб қочди. Сал вақт ўтар-ўтмас унинг миясига: “Менинг дам-бадам йўқолиб кетишларимдан фойдаланиб, у ҳам ўйнаш орттириб олган бўлса-чи?” - деган шум фикр келди. Аъзойи баданини титроқ босди. Кетма-кет сигарет чекди. Ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юрди. Ўзини босай, деди, боса олмади. Рашк ваҳимаси ундан устун келаверди. Вақт унинг назарида тўхтаб қолгандай бўлди. Қачон кеч бўлади? Қачон хотини кўзига кўринади? Қачон уни сўроққа тутади? Қачон хотини қаерда, ким билан бўлганини аниқлайди?

Эй, воҳ! Буни кутиш бир олам қийноқ-ку! Бирдан калласига: “Мана нима учун у менинг эрта кетиб, кеч келишларим билан иши бўлмаган экан! Менинг йўғим унга шароит яратиб берган экан-да!”, деган хаёл келди. Бутун баданини совуқ тер босди. Этлари жунжикиб, туклари кўтарилиб кетди. Рангрўйи оқаргандан-оқариб, тахта каравот зинасига ўтириб қолди. Ич-ичидан ингроқ келар эди-ю, ташқарига чиқиб кета олмай, уни исканжасига олиб бўғарди, юрак-бағрини эзарди. Шунда Ботир тушундики, хиёнат бу - заҳар-заққумнинг ўзи экан! У эркакни ҳам, аёлни ҳам бирдай бўғар экан! Эрларининг садоқатсизлик қилиб юрганини покиза хотинлари билиб қолганларида улар ҳам менинг шу ҳолимга тушар эканлар-да, деб ўйлади.

“Эй, Худо, - деди у бирпасдан кейин бараллa нидо қиларкан, - агар хотиним эсон-омон, соғ ва соф кўзимга кўринса, мен ҳам умрбод бевафолик қилмайман!” - деди. Ўзига-ўзи сўз берди...

Шу топда эшик олдига бир машина келиб тўхтади. Ботир югуриб кўчага чиқди. Қарасаки, хотини Робия тўрва-халта, корзинка-сумкаларни машинадан тушираяпти! Қанча пиёз, қанча картошка, яна қанча сабзавот ва мевалар... Ботир дарвоза олдида қотиб қолди. Бир зум шу алфозда турди. Бўшашди. Танасига илиқлик югурди. Бирдан ўзини қушдай енгил ҳис қилиб, хотинига қараша бошлади. Машина кира қилинган экан, ҳайдовчи айтган пулини олди-ю, ғизиллаганча кўздан ғойиб бўлди. Ботир:

- Мен билан бирга борганингда ҳам бўларди-ю, Робия бунчалик қийналмасдинг. Қара, тер қуйиб кетибди. Сочларинг тўзғиган... - деди

Робия:

- Эрталаб ўзингиз шошилиб чиқиб кетдингиз, айтишга улгурмай қолдим, - деди айтарли аҳамият бермай.

У бунга кўникиб кетган эди-да. Ботир ҳозиргина бошидан кечирган кечинмалардан ўзи уялиб, хотинидан эса хурсанд бўлиб, тўрва-халталарни ичкарига таший бошлади. Хотини ҳам бир-иккитасини кўтармоқчи бўлган эди, Ботир унга меҳри товланиб кетиб:

- Сен энди қўя қол. Шунча кўтариб келганинг етар. Уйга кириб, уёқ-буёқларингни тартибга келтириб ол. Хўп десанг, душга кириб чиқ... Мен ҳам кираман, кун исиб кетди, - дея кулиб қўйди.

Аммо серзарда Ботир хотинига бекордан-бекорга зуғум ўтказганини, унинг эркини бутунлай олиб қўйганини, шу туфайли Робия эрининг уйда камроқ бўлишига рози бўлиб қолганини хаёлига келтирмади. Шунга қарамай, чин гапни айтганда, ҳозир бўлиб ўтган воқеа, бироз бўлса-да, унинг кўнглини юмшатиб, кўзини очиб қўйди...

Шундан бир йил ўтар-ўтмас улар қизлик бўлишди. Ниҳояти Робия орзусига етди. Ботир эса ўзининг ҳаппа-ҳалол танмаҳрамидан қиз кўрганидан кўкси осмонга етди... Ҳолбуки, у яқиндагина бир нопок аёл туфайли кимларнингдир қизини меники, деб суйиб-эркалаб юрганди. У ҳозир шуни эслаб, қаттиқ пушаймон қилди. Ўзини аҳмоқликда, лақмаликда айблади. Қаёқдаги бир аёлга “емиш” бўлиб юрганидан афсус-надомат чекди...

Кунларнинг бирида Ботирнинг машинасига тасодифан Гулнавознинг уйида учратган йигит қўл кўтариб қолди. Ботир машинасини тўхтатди. У Ботир кўзига қора кўзойнак тақиб олганлиги ва уни Гулнавозникида бирровгина кўрганлиги, бунинг устига бунга бир йил бўлганлиги боис танимади. Ботир ундан: “Қаёққа?” - деб сўраган эди, у йигит Гулнавоз турадиган мавзени айтди. Ботир жимгина машинасини ҳайдаб кетди ва йигитдан бошқа ҳеч нарсани сўрамай, Гулнавознинг подъездида тўхтади. Йигит таажжубланиб: “Мен сизга “дом”имизни ҳам, подъездимизни ҳам айтмай туриб, ўзингиз билгандай олиб келиб қўйдингиз. Нима, сиз мени танийсизми?” - деди. Ботир: “Биз таксичилар бир марта олиб келган одамнинг манзилини эслаб қоламиз. Сиз менинг машинамга иккинчи марта ўтиришингиз, ўртоқ”, деб гапни буриб юборди. Йигитнинг қўлида қизалоққа олинган кийим-кечак ва туфлича бор эди. Ботир англадики, Гулнавоз ҳалигача шу йигит билан яшаб келаяпти... У: “Бировнинг ҳаёти билан менинг нима ишим бор”, деб фикр қилди-ю, машинасини орқага тезда буриб, катта, кенг йўлга чиқиб олди...

Ҳамма ҳам кечикмай вақтида ақл топиб олсин экан...

**Азимжон ҚОСИМОВ**

# БОЛАНГИЗДАН МЕҲРИНГИЗНИ АЯМАНГ!

**Халқимизда "Бола азиз - одоби ундан-да азиз", деган ҳикматли ибора бор. Бироқ, болани кўнгилдагидек одобли, ахлоқли қилиб тарбиялашнинг негизида нималар ётади, биз бола тарбиясида асосан қандай томонларга кўпроқ эътибор беришимиз лозим? Ваҳоланки, дунёга келган чақалоқни эндигина униб чиқаётган ёш ниҳолга қиёслаш мумкин. Ана шу ниҳолни қанчалик яхши парвариш қилсангиз, унинг меваси ҳам сиз кутганчалик бўлади. Ахир айнан она сути билан чақалоққа унинг учун қимматбаҳо неъмат - она меҳри ҳам ўтади!**

Ҳар қандай ёшдаги фарзанд учун ота-она меҳридан зиёд нарса йўқ! Ота-она меҳрига қонган фарзандларгина ота-оналарига меҳрибон, ахлоқ-одобда ҳам мукаммал, она-ватанига ҳам содиқ инсон бўлиб етишишлари аниқ.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, мамлакатимиздаги аксарият оилаларда ота-она билан фарзанд ўртасида меҳр-муҳаббатга суғорилган муносабатлар қарор топган. Бундай оилаларда катталар билан болалар ўртасида ўзаро ҳурмат, оилавий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, болалар фикри билан ҳам ҳисоблашиш, оиланинг ҳар бир аъзоси ўзига юклатилган вазифага масъулият билан қарашлари одат тусига кирган. Бироқ, кўп бўлмаса-да, айрим оилаларда ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни кўнгилдагидек деб айта олмаймиз. Болаларга қўпол муомала қилиш, бир-бирини тушунмаслик, бола фикрини менсимаслик, уни ҳар бир ҳаракатига танқидий қараш ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлар охир-оқибат болада ҳам асабийлашишни, ота-онага қўрс жавоб қайтариш, ёлғон ишлатиш ва ўзини "ҳимоя қилишга тайёр туриш"дек асаб тизимини таранглашишига олиб келади. Улар камгап ёки аксинча, уришқоқ бўлиб борадилар. Ота-она томонидан етарли меҳр кўрмаган бола бора-бора тошбағир инсонга айланиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай болалардан ҳар қандай салбий ҳаракатлар чиқиши турган гап.

Қадимий япон тарбия усулига бир эътибор берайлик. Улар ҳар бир болага ёшига қараб муомала қилишни фалсафий таърифлаб беришган:

➔ Бола **5 ёшга тўлгунга қадар** унга подшоҳга муомала қилгандай муомалада бўл;

➔ **6-10 ёшга тўлгунга қадар** меҳмонга муомала қилгандай муносабатда бўл;

➔ **11-14 ёшлардаги** болаларга қулга муомала қилгандай муносабатда бўл;

➔ **15-17 ёшда** дўстингга муомала қилгандай муносабатда бўл;

➔ **17 ёш** ва ундан кейин катталарга муомала қилгандай муносабатда бўл.

Дарҳақиқат, халқимизда ҳам бежиз бола-подшоҳ дейилмаган. Нима учун бола 5 ёшга тўлгунча унга подшоҳдек муомалада бўлиш зарур экан? Биргина тиббий томондан олганда бу даврда бола организми жуда мўрт, асаб тизими ҳали тўла шаклланмаган, тўқималари жуда нозик бўладики, шу ёшдаги болага бир марта қаттиқ гапириш ёки ундан ҳам ёмони, бақириш минглаб асаб ҳужайраларини ҳалок этади. Баъзан боланинг тили энди чиқаётган даврда қаттиқ бақириш ёки қўрқитиш уларда дудуқланишга олиб келиши ҳам кўп кузатилган. Бу ёшдаги болаларга жисмоний куч ишлатиш эса мутлақо мумкин эмас.

**6-10 ёшли** болаларда асаб тизими шаклланиб бўлган бўлса-да, бироқ ҳали анча мўрт бўлиб, баъзи салбий таъсирлар оқибатида тез жароҳатланишга мойил бўлади.

Шу боисдан, бу ёшдаги болаларга ҳам бир текисда чиройли муомалада бўлиш, уларга яхши-ёмонни ажратишда ёрдам бериш, ёшига яраша уй юмушларига ҳам жалб этиш, масъулият ҳиссини уйғота бошлаш, яхши хатти-ҳаракатларини руҳан рағбатлантириш, нотўғриларини ётиғи билан тушунтириш, қаттиқ оҳангда гаплашмаслик кабилар болани соғлом, асаб тизимини таранглашмасдан ўсишида муҳим ўрин тутади. Бошқача айтганда, бу ёшдаги болаларни ҳам меҳмон каби сийлаш ижобий натижалар беради.

**11-14 ёш** - болаларда илк ўсмирлик даврини бошдан кечираётган давр бўлиб, уларда мустақиллик, фаоллик, ташаббускорлик ўз-ўзини бошқара билиш каби хусусиятлар шаклланган бўлади. Шунинг учун ҳам бу ёшдаги болаларга ортиқча ғамхўрлик, ҳомийлик қилмаслик, аксинча, бир мунча талабчан, қаттиққўлроқ бўлиш ижобий самаралар беради. Негаки, айнан шу давр боланинг илк ўсмирлик давридан катта ўсмирликка "ўтиш" даври бўлиб, оз бўлса-да, тарбия борасида хатоликка йўл қўйиш (бўш вақтни тўғри тақсимламаслик, бола билан қўпол муомалада бўлиш, унинг қизиқишлари билан ҳисоблашмаслик ва ҳоказо) охир-оқибатда болада бора-бора салбий ҳаракатларни вужудга келишига сабаб бўлади. Японлар бу даврда болага қулга муомалада бўлгандай бўл, деб албатта қиёсий айтишган, аслида қаттиққўлроқ бўлиш мутлақо болага жисмоний куч ишлатишни назарда тутмайди. Болага нисбатан куч ишлатиш ҳеч қачон тарбия воситаси бўлмаган ва бўла олмайди.

**15-17 ёш** - ўспиринлик ёши бўлиб, бу ёшда йигит ва қизларда "ўзини англаш"га алоқадор хусусиятлар пайдо бўладики, уларга ҳам ўта эҳтиёткорлик билан, самимий, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам ҳисоблашган ҳолда, дўстона муносабатда бўлиш даркор. Ота-она уларга ўзини қанча яқин тутса, улар ҳам шунчалик ҳурмат ва миннатдор руҳда муомалада бўлишади.



Хулоса қилиб айтганда, болалар ва ўсмирлар билан муомалада ота-оналар нималарга аҳамият беришлари кераклиги бўйича қуйидагиларни тавсия қиламиз:

➔ Болалар билан мулоқотда юзингиздан самимийлик ва иliқлик таралсин;

➔ Ҳар қандай шароитда бола билан сўзлашганда овоз оҳангингиздан юмшоқлик сезилиб турсин;

➔ Болангизни кўпчилик ичида изза қилган киши тарафига ўтманг (вужудга келган муаммони алоҳида ётиғи билан тушунтиринг);

➔ Ўз болангиз олдида бошқа болани мақтаб, уни ўрнак қилиб кўрсатманг;

➔ Телевизор, видео - тарбиячи эмас, иложи борича уларни бола билан бирга кўриб, айрим зарарли ҳолларни асаби зўриқмасдан қабул қилишга ёрдам беринг;

➔ Агар бирон сабаб билан ранжиган бўлсангиз, болага билдирманг, агар у сезгудай бўлса, бу ҳолатга унинг алоқаси йўқлигини, унинг олдида ҳамма нарсани унутишингизни, у - сизнинг катта қувончингиз эканини англатинг.

**Қуйидагиларга имкон қадар ҳаракат қилинг:**

➔ Қулги ва истеҳзо билан гапирманг;

➔ Болани уришманг ва бақирманг;

➔ Болага самимий, мулойим бўлинг;

➔ Болани тез-тез бирон яхши иш қилгани учунгина эмас, у - болангиз экани учун мақтанг;

➔ Унга имкон қадар кўпроқ муҳаббатингизни кўрсатиб боринг;

➔ Ҳеч қачон болага уни яхши кўрмаслигингизни айтманг;

➔ Болага ёмон эканлигини ҳеч қачон билдирманг, хулқи ёмон бўлиши мумкин, лекин бола эмас;

➔ Болада нотўғри хулқ-атвор сезсангиз, уни бошқа фаолият бўйича йўналтиринг;

➔ Бола билан ўртангиздаги муносабатдаги асосий шиорингиз: "Сабрбардошлик ва муҳаббат бўлсин!"

**Карима ИНОМОВА,**
**Тиббиёт фанлари номзоди,**
**республика Ташҳис маркази**
**бўлим мудири.**

**Ота-оналар мактаби**

## ЁШ БОЛАЛАР НЕЧА СОАТ УХЛАШИ КЕРАК?

***- Уч ёшли қизалоғим бор. У жуда кам ухлайди, кроватчасида тинч ётолмайди. Умуман ёш боланинг уйқуси қанча вақтни ташкил этиши керак?***

**Юлдуз,**
**Тошкент шаҳри.**

- Чақалоқ дунёга келганидан сўнг кўп ухлайди ва бу унинг ўсишига ёрдам беради. Бола ўсган сари унинг уйғоқ юрадиган пайти кўпайиб боради. 7 ёшгача болалар албатта туш пайтида ухлаб олишлари керак, чунки улар катталарга қараганда тезроқ чарчашади. Сиз болангизни албатта шифокорларга кўрсатинг. Соғлом бола туни билан уйғонмасдан ухлаши керак.

➔ **1 ойликдан 2 ойликкача** - 18 соат атрофида.

➔ **3 ойликдан 4 ойликкача** - 17-18 соат.

➔ **5 ойликдан 6 ойликкача** - 16 соат атрофида.

➔ **7 ойликдан 9 ойликкача** - 15 соат.

➔ **10 ойликдан 12 ойликкача** - 13 соат атрофида.

➔ **1 ёшдан бир ярим ёшгача** бола кундузи икки марта ухлайди. 1-уйқу - 2-2,5 соат. 2-уйқу - 1,5 соат, тунги уйқу эса 10-11-соат.

➔ **1,5 ёшдан 2 ёшгача** бола кундузи бир марта - 2,5-3 соат, кечқурун эса 10-11 соат.

➔ **3 ёшдан 7 ёшгача** бўлган болаларни кечқурун соат 9 да ухлатиб, эрталаб соат 7-8 ларда уйғотиш керак. Кундузги уйқу 2 соат.

**7 ёшдан кейин** бола кундузи ухламаса ҳам бўлади, тунги уйқуси эса 8-9 соатдан кам бўлмаслиги керак.

## ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ!

***- Ёлғиз ўғлимизнинг ёши тўққизда. Унинг атрофида иккита бувижониси, аёлим ва унинг синглиси парвона бўлишиб, эркалашиб сира қўйишмайди. Ахир бунақада ўғлим қизлардек нозик, эркатой бўлиб ўсиши мумкин-ку! Уларга бу ишлари нотўғри эканлигини қандай тушунтираман?***

**Ш.Тиллаев,**
**Чирчиқ шаҳри.**

- Сиз яқинларингизга ҳеч нарсани тушунтириб ўтирманг! Табиийки, улар ўғлингизни яхши кўришади. Ота-оналар ўғилларининг мустақил бўлишини, одамлар билан қийналмай мулоқотга киришиб кетишини истайдилар. Шундай қилиб бир вақтнинг ўзида ҳам мустақилликни, ҳам кучлиликни талаб қилиб болани қийин аҳволга солиб қўядилар. Гарвард университетининг руҳшунослари ўтказган тажриба шуни кўрсатдики, ота-оналар нафақат қизларини балки ўғилларини ҳам болалик даврида силаб-сийпалашлари, ўпишлари ва эркалашлари лозим экан. 1951 йилда бошланган тажрибада 379 нафар беш ёшли бола иштирок этган. Шулардан 94 нафари билан улар то 36 ёшга етгунига қадар тажриба ўтказиш давом эттирилган. Маълум бўлишича отаси ёки онасидан узлуксиз меҳр-муҳаббат, кўпроқ эътибор олган болаларнинг ўзларига бўлган ишончи ортиб, дўстлари билан яқин алоқада бўлишган. Оила қуришганда ўзларини бахтли ҳис этишган. Бундай болалар руҳий чиниққан бўлишиб, ўзлари танлаган соҳада катта ютуқларга эришганлар.

## БОЛАГА СУВ БЕРИШ ШАРТМИ?

***- Кунлар исиган сайин ташвишга тушаяпман. Чунки уч ойлик қизалоғим бор. Унга сув беришим керакми ёки йўқми?***

**С. Аҳмедова,**
**Самарқанд шаҳри.**

- Агар сиз қизчангизни эмизаётган бўлсангиз, унда болага қўшимча сув бериш шарт эмас. Мабодо, ҳаво жуда иссиқ бўлса, гўдакка озроқ сув беринг, аммо зўрлаб сув ичириш ярамайди. Чунки бола танасидаги сувни катталарга қараганда сустроқ чиқаради. Зўрлаб сув бериш натижасида қорни ва сони таранглашиб, шишиб қолади. Бола оёқчаларини йўнатиб ётса ва бироз пайт унга сув берилмаса шиш йўқолади.

Болангизни сунъий озуқалар билан овқатлантираётган бўлсангиз, унда албатта сув беришингиз лозим.

**Ўз мухбиримиз тайёрлади.**



# ЯШИЛ ШОВҚИН

**Табиатнинг уйғониш шовқини осуда ва тиниқ бўлиб, кўнгилга ҳузур бағишлайди, уни қувонч билан тўлдириб, уйғунлик бағишлайди. Унда томчиларнинг чак-чаки, жилғалар овози, майин шамолнинг гувиллаши, қушларнинг шўх-шодон сайраши жамланган бўлади. Табиатдаги ана шу товушларнинг барчаси бизга уйғунлик бағишлаши, ҳатто бизни даволаши мумкин.**

### "ШОВҚИНЛИ" ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ВОСИТА

Афсуски, ҳозирча мутахассислар табиат шовқинлари ва товушлари билан даволашга асосланган алоҳида турдаги терапия усулини ўйлаб топганларича йўқ. Аммо бу усул психотерапия, аэрофитотерапия, ҳамда медитация ва тинчланишга асосланган бошқа техника ва амалиётлар билан бир бутун уйғунлик касб этган ҳолда қўлланилмоқда. Шаҳарда яшовчи ва кундалик ҳаётларида транспорт воситаларининг, одамларнинг, мусиқа ва бошқа нарсаларнинг шовқинидан қулоғи қоматга келадиган кишилар учун табиатнинг майин товуши айниқса бебаҳолиги билан ажралиб туради. Денгиз тўлқинларининг тошларга урилишидан таралдиган шовқин, баргларнинг шовуллаши, ёмғир томчиларининг товуши, қушларнинг сайраши, ҳашаротларнинг ғўнғиллаган овозлари, сувнинг енгил шовуллаб оқиши инсон организмига ижобий таъсир кўрсатиши қадимданоқ исботланган ҳақиқатдир. Табиат қўйнига чиқиб дам олганимизда маънавий ва жисмоний кучга тўлганимизни, ижодий имкониятларимиз ошганини, бутун танамиз дам олиб, кучли энергия тўплаганини ҳис қиламиз. Хатто оз муддат табиат қўйнида бўлиш ҳам инсонни кундалик ташвишлардан, оғир ўй-хаёллардан халос этишга қодир. Буларнинг бариси айнан биз билан бир бутунлик касб этувчи жонли табиатнинг хотиржамлик бахш этувчи товушлари сабаблидир.

### ЁМҒИР ЁҒАР ЧАК-ЧАК...

Афсуски, шаҳар ҳаёти аксарият одамларни табиат қўйнида ёлғиз қолиш, ўзини у билан бир бутунликда ҳис этиш имкониятларидан маҳрум этган. Ёзги таътиллар ҳам одатда пляж билан чойхона ўртасида ўтиб кетади(бу кўпроқ эркакларга тааллуқли, аёллар-ку камдан кам ҳолларда дам олгани чиқишади). Шаҳарликлар кўп ҳолларда дам олиш деганда истироҳат боғлари билан чекланиб қолишади. Табиат билан мулоқот ва уйғунликдаги етишмовчилик ва камомад ўрнини эса дорихоналар пештахталарида турлари борган сари кўпайиб бораётган ҳар хил дорилар воситасида қоплашга ўрганиб қолаётгандекмиз.

Ўтган асрнинг 60-йилларида бир қатор мутахассислар турли касалликларни мусиқа ва товушлар ёрдамида даволаш бўйича тадқиқотлар бошлашган эди. Шу асосда тиббиётда мусиқатерапия номли янги соҳа пайдо бўлди. Бугун бир қатор хорижий давлатларда шифокорлар уйқусизликдан қийналаётган беморларга уйқу дори ичиш ўрнига ёмғир товуши ёзилган компакт-дискларни тинглашни тавсия этишмоқда. Турли кашфиётларнинг ватанига айланиб қолган Японияда эса хаттоки бош қўйганингизда ёмғир товушини берадиган ёстиқлар ҳам яратилган. Туғруқхоналарда эса бўлғуси оналарга мумтоз куйларни қўйиб беришади. Бугунги кунда товуш ёрдамида ошқозон яраси, асаб касалликлари ва бошқа бир қатор асаб тизими ҳамда психосоматик характердаги касалликларни даволаш йўлга қўйилган.

Агар ғарбда мусиқанинг шифобахш хусусияти ҳақида фақатгина 20-асрга келиб жиддий тадқиқотлар бошланган бўлса, аллома боболаримиз бу нарсани минг йиллар бурун аллақачон англаб етишган эди. Жумладан, Ал-Хоразмий ўз асарларидан бирида: "Бизнинг юртимизда беморларни дорилар ва мусиқа ёрдамида даволашади", деб ёзган эди.

Хориждаги санаторияларда асаб касалликлари ва уйқусизликдан азият чекаётган беморларга қушларнинг сайраши ёзилган компакт-дискларни қўйиб эшиттириш амалиёти кенг қўллана бошлаган.

Бугунги техника тараққий этган замонда истаган киши махсус дўконлардан жонли табиат товушлари – денгиз шовқини, ўрмонда дарахтларнинг шовуллаши, ёмғирнинг чак-чаки, қушларнинг сайраши кабилар ёзилган дискларни харид қилиб уйда бамайлихотир эшитиши мумкин.

### ЧУМЧУҚЛАР УЙҚУСИЗЛИККА ҚАРШИ

Биз қиш фаслида ўрмонда, истироҳат боғларида, кўча-кўйда бир қадар тинчлик ҳукмронлик қилишига ўрганиб қолганмиз. Деразамиз ташқарисида қушларнинг чуғур-чуғури бошланиши эса баҳор келганидан дарак беради. Ўзимизни яхши дам олган ва кучга тўлган ҳолда ҳис этишимиз учун бу фаслда шаҳар ташқарисига чиқиб баҳор қуёшининг илиқ нурлари тушиб турган яйдоқ жойни танлаб, қушларнинг асабларни тинчлантирувчи сайрашига қулоқ тутиш кифоя. Дарвоқе, қадим замонлардаёқ одамлар тунни ёмон тушлар ёхуд асабийлик боис қўрқув ва ташвиш билан уйқусиз ўтказганлар саҳарда ташқарида чумчуқларнинг чуғурлаб сайраётганини эшитишлари билан барча кўнгилсизликларни унутишларини тушуниб етганлар.

Хўш, қушлар сайрашининг шифобахш хусусиятлари нималарда намоён бўлади? Биринчи галда, бу нарса бизни аллақачонлар ёдимиздан чиқиб кетган табиат билан руҳий ва ҳиссий яқинликка қайтаришида акс этади. Зотан, қушларнинг сайраши атроф-муҳит билан уйғунлиги, ҳамоҳанглиги ва тиниқлиги билан ажралиб туради. Қанотли дўстларимиз айрим сохта қўшиқчилардан фарқли равишда фальш(ёлғон, нотўғри) куйламайдилар. Чунки улар атрофимиздаги яшил оламдан таралаётган товушларни аниқ-тиниқ илғаб олишади ва унга ҳамоҳанг тарзда сайрашади. Хуллас, тушкун вазиятларда ялангликда ўтириб қушларнинг сайрашини тинглаш энг яхши муолажа воситаси бўлиши мумкинлигини унутманг.

### УЙИНГИЗНИ ТОВУШЛАРГА ТЎЛДИРИНГ

Товушлар уйингизда мавжуд бўлган буюм ва нарсаларга сингар экан, гарчи бу ҳол яққол намоён бўлмаса-да, уларнинг энергетик майдонини ўзгартиради. Шу боис ҳам машҳур бастакорлар ва санъаткорлар куй ижро этган скрипка, танбур, дутор каби қадимий мусиқа асбоблари бебаҳо саналади, пулдор инсонлар ким ошди савдоларида уларни асл баҳосидан бир неча ўн, хатто юз баробар қимматроққа сотиб олишади. Бу мусиқа асбобларининг бебаҳолиги фақатгина уларнинг қадимийлигида, ёки машҳур инсонларга тегишли бўлганлигидагина эмас, балки уларга ўзида ижро этилган мумтоз куйлар сингиб кетганлиги ҳамда шу боис хонадонда ижобий энергетик майдон ҳосил қилишида ҳамдир. Худди шу тарзда уйингизда таралаётган ҳар қандай товуш, овоз ва шовқинлар хонадон деворларидаги ёғоч қисмларда ва мебелларда ўз "изини" қолдиради. Шу боис агар сиз ёғочдан қурилган ёхуд қурилишида ёғоч кўп ишлатилган уйда яшасангиз, уйдаги товуш ва овозларга, тинглайдиган мусиқангизга, асабга тегадиган шовқинлар бўлмаслигига жиддий эътибор қаратишингизни маслаҳат берган бўлардик.

Шу туфайли уйингизнинг асосий манбаи турли товуш, шовқин ва овозлар бўлган энергиясини меъёрлаштириш, ўрни келганда "даволаш" муҳим аҳамият касб этади. Чунки айнан шу нарса сизнинг маънавий-руҳий кучингизни қўллаб-қувватлаб, тўйинтириб туради. Уйингизни ёқимли мусиқа, жонли табиат – денгиз, дарахтлар, ҳашаротлар, қушларнинг товушлари билан тўлдиришга ҳаракат қилинг. Аммо атрофингизда ва уйингизда қулай муҳит яратиш тўғрисида қайғурар экансиз, уйингизнинг энергетика сифатинини ошириши мумкин бўлган энг муҳим, табиий ва кучли табиий манбани унутманг. Бу манба – сизнинг ўз овозингиздир. Қўшиқ айтганда, хатто шунчаки майин овозда хиргойи, диний сура ва оятларни тиловат қилганда таралган товуш тебранишлари атрофдаги нарсаларда акс-садо беради, уйдаги ҳар қандай ўтириб қолган (турғун) ва жонсиз энергияни ҳайдаб чиқаради, уйдаги муҳитни, об-ҳавони яхшилайди. Қўнғироқ ҳам ана шундай кучли таъсир кучига эга бўлган восита ҳисобланади. Бу жараёнда деворлар ва уйдаги нарсалардан акс-садо бериб қайтган товуш тўлқинлари ўз навбатида сизнинг танангизга сингиб, сизни ва организмингизни атрофингиздаги борлиқ билан уйғунлик касб этишга ҳозирлайди. Натижада тез орада атрофингизда ҳам, ичингизда ҳам уйғунлик ва ҳамоҳанглик пайдо бўлганини ҳис этасиз.

СОҒЛИҒИНГИЗ БОЙЛИГИНГИЗ

### ОППОҚ ТОВУШ

Кўпчиликка маълумки, оқ ранг аслида биз ёмғирдан кейин кўришимиз мумкин бўлган камалакда мавжуд бўлган барча ранглар бирлигидан ташкил топгандир. Аммо кўпчилик физикада худди шунга ўхшаш яна бир ҳолат(ҳодиса) – "оқ" шовқин ёхуд товуш тушунчаси борлигини билмаса керак. Бу шундай акустик шовқинки, оқ ранг ўзида камалакнинг барча рангларини жамлагани каби, у ҳам ўзида бир хил интенсивликдаги барча товуш частоталарини жамлаган бўлади. Паст, ўртача ва юқори частотали товушлар қоришиб кетган пайтда шаршара товушини ёки енгил шамол насимини эслатувчи нейтраль(аралаш) товуш – "оқ" товуш юзага келади. Табиатдаги аксарият товушлар – ёмғирнинг овози, баргларнинг шитирлаши, қирғоққа урилаётган тўлқинларнинг шовуллаши - ана шундай ҳосил бўлади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, айнан оқ товуш инсонни энг юқори даражада бўшаштириб, унда ухлаш истагини уйғотар экан. Оқ товуш йиғлаётган болани, хатто у танасидаги бирор санчиқ туфайли йиғлаётган бўлса ҳам, тезгина овутиши мумкин.

Бугунги кунда товушли терапия мутахассислари ўз муолажаларида табиатнинг жонли товушлари ёзилган дискларга кўп ҳам эҳтиёж сезишмайди. Чунки замонавий мусиқа асбоблари, синтезаторларда синтез қилиб сунъий равишда денгиз шовқинини, ёмғир товушини, баргларнинг шитирлашини, сувнинг шовуллашини яратиш имконияти мавжуд. Улар ҳам асабий зўриқишни олишда, диққатни жамлашда, уйқусизликка барҳам беришда табиий, жонли товушлардан кам ижобий таъсир кўрсатмайди.

**ДАРМОН** тайёрлади.

## ТАБИАТ ТОВУШЛАРИ ДАВОЛАЙДИ

→ **Вегетив қон-томир дистониясининг нейроциркулятор шаклида** (у кўпроқ ёшлар орасида учрайди) ўрмон ва даладаги товушларини, асалариларнинг ғўнғиллашини, тоғлардан таралдиган акс-садони, соатларнинг тиқ-тиқини тингланг.

→ **Астеник невроз ва неврастенияда** чирилдоқнинг сайраши, ниначилар қанотининг визиллаши, чумчуқларнинг чирқиллаши, тоғлардаги акс-садо, ўрмон ва даладаги товушлар, асалариларнинг ғўнғиллаши, ёмғир товуши жуда фойдали ҳисобланади.

→ **Уйқусизликда** ниначилар қанотининг визиллаши, қарғаларнинг қағиллаши, бойқушнинг сайраши, баргларнинг шитирлаши, тоғлардаги акс-садо ва ёмғир товушини тинглаш яхши самара беради.

→ **Уйқуга мойилликни** енгиш учун эрта саҳарлаб хўроз қичқириғини эшитиш лозим. Шу муолажа хушдан кетиб қолиш ҳолатларида ҳам тавсия этилади.

→ **Марказий асаб тизимини** кучукнинг вовуллаши, бўрининг увиллаши, тоғлардаги акс-садо, отлар туёғига қоқилган тақанинг товуши, қушларнинг сайраши бир меъёрга келтиради. Шаршаранинг, ўрмон ва даланинг товушлари, булбулнинг сайраши, асалариларнинг ғўнғиллаши, қурбақаларнинг қуриллаши кабилар уни тинчлантиришга хизмат қилади.

→ **Кучли чарчоқда** ўрмон ва даладаги товушларни, асалариларнинг ғўнғиллашини, ниначилар қанотининг визиллашини, баргларнинг шитирлашини тинглаш керак.

→ **Қон босими паст бўлса,** тоғлардаги акс-садони, ўрмон ва даладаги товушларни, сигирнинг мўъраушини, мушукнинг миёвлашини, кучукларнинг вовуллашини тинглаш тавсия қилинади.

→ **Тананинг ҳимоя кучини(иммунитетни) ошириш учун** ўрмон ва даланинг товушлари, тоғлардаги акс-садо энг яхши воситалардан бири саналади.




**913** **Ёшим 43 да.** Асли тошкентликман. Жиддий сабабга кўра, ажрашганман. Маълумотим олий. Ишлайман. Зиёли оиланинг фарзандиман. Уй-жойим бор. Тақдир бўлса, 35 ёшгача бўлган, орзуимдаги одобли, меҳрибон, вафодор, гўзал, олий маълумотли қиз ёки аёл билан танишиб, оила қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Ўктам**

**914** Асли тошкентликмиз. Синглимнинг **ёши 21 да.** Маълумоти ўрта. Бўйи-басти келишган, оқила қиз. Тили чучукроқ. Сўзлардаги р ҳарфи ўрнига й ҳарфи билан гапиради. 30 ёшгача бўлган, диёнатли, меҳрибон, ўзидек эркак овоз берса синглимизни узатардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Шаҳноза**

**915** **Ёшим 29 да.** Асли тошкентликмиз. Уй бекасиман. Турмушга чиқмаганман. Чеварлик қиламан. Ота-онам билан яшайман. Оғир-вазмин қизман. Уй-жойим бор. 39 ёшгача бўлган, имон-инсофли, аёлини ҳурмат қиладиган, оиласини моддий таъминлай оладиган эркак билан танишиб, оила қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Зилола**

**916** Асли тошкентликман. **Ёшим 38 да.** Ажрашганман. Бир нафар қизчам бор. Ишлайман. Меҳрибон, оқила, уй-жойли аёлман. 50 ёшгача бўлган, ишлайдиган, диёнатли, меҳрибон эркак билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Нигора**

**917** Асли тошкентликман. **Ёшим 52 да.** Миллати бошқа аёлга уйлангандим, фарзандларимни олиб, ўзга юртга кетиб қолди. Ажрашдик. Ишлайман. 50 ёшгача бўлган, вафодор, ораста, меҳрибон, уйли-жойли аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Малик**

**918** **Ёшим 25 да.** Тошкентликман. Саранжом-саришталикни ёқтирадиган қизман. Ишлайман. 30 ёшгача бўлган, уй-жойли, оғир-вазмин тошкентлик йигит билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Фарангиз**

**919** Тошкент вилоятиданман. **Ёшим 41 да.** Турмушга чиқмаганман. Маълумотим олий. Ишлайман. 45 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшайдиган, диёнатли эркак билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Комила**

**920** Асли тошкентликмиз. Ўғлимнинг **ёши 29 да.** Аёли билан жиддий сабабга кўра ажрашиб кетишди. Маълумоти олий. Баобрў оиланинг фарзанди. Ўғлим баланд бўйли, жиддий йигит. Ишлайди. 28 ёшгача, асли тошкентлик бўлган, олий маълумотли, бўйи-басти келишган, чиройли, ораста, меҳрибон, вафодор қиз овоз берса келин қилардим.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Нурия опа**

**921** Асли самарқандликман. **Ёшим 45 да.** Ажрашганман. Икки нафар фарзандим бор. Уй бекасиман.Пазанда, оқила аёлман. 55 ёшгача бўлган, уйли-жойли, болаларимнинг бошини силайдиган, диёнатли, меҳрибон эркак билан такдиримни боғламоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Сурайё**

**Оила бўлими телефонлари: 233-04-50, 233-04-35**

**922** **Ёшим 29 да.** Тошкентликман. Ҳали турмушга чиқмаганман. Ота-онам билан яшайман. Орасталикни ёқтираман. 38 ёшгача бўлган, тошкентлик, ишлайдиган, аёлини қадрлайдиган, меҳрибон, жиддий ва олижаноб бир йигит билан танишиб, мустаҳкам оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Гулчехра**

**923** Асли сирдарёликман. **Ёшим 25 да.** Ажрашганман. Бир ўғлим бор. Ўзимнинг уй-жойим бор. Касбим тикувчилик. Кўзга яқин, келишган аёлман. Баобрў оиладанман.35 ёшгача бўлган, ишлайдиган, ичмайдиган, чекмайдиган, иш жойи тайин, соғлом, уй-жойли эркак бўлса (Сирдарё ёки Тошкент шаҳрида яшайдиган) турмушга чиқиш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Наргиз**

**924** **Ёшим 36 да.** Ажрашганман. Асли тошкентликман. Ҳашаматли бўлмаса-да, ўзимга яраша уй-жойим бор. Ишлайман. Оиламни моддий томондан таъминлай оламан. 33 ёшгача бўлган, тошкентлик, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, фарзандсиз аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Муҳаммад**

**925** Синглимнинг **ёши 33 да.** Техникумни битирган. Тикувчилик қилади. Чаққон, ораста ва истарали қиз. 43 ёшгача бўлган, жиддий, келишган, олижноб, аёлини ва оиласини қадрлайдиган эркак бўлса, синглимни узатардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Мамлакат опаси**

**926** **Ёшим 45 да.** Асли қўқонликман. Ҳали уйланмаганман. II-гуруҳ ногирониман. Пенсия оламан. Оиламни моддий томондан таъминлай оламан. 40 ёшгача бўлган, ақлли, оқила бир аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Абдулҳамид**

**927** **Ёшим 30 да.** Асли қашқадарёликман. Бир ўғилчам бор. Тадбиркорман. 39 ёшгача бўлган, ўғлимга оталик меҳрини бера оладиган эркак билан турмуш қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Шукрия**

# ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ!

- Ёшим 67 да. Тошкентлик Собир ота бўламан. Бир ўғлим ва бир қизим бор. Худога шукр, қизим турмушидан тинчиб кетди. Лекин Аҳмад исмли ўғлимнинг оиласи бузилди, - дея гап бошлади у.

**- Ўғлингизга келин излаяпсизми?**

- Шундай. Аёлим вафот этганидан сўнг, икки эркак ёлғиз қолдик. Уч хонали уйда турамиз. Мен пенсия оламан. Ўғлим ишлайди. У жуда оғир, вазмин, соддадил йигит. **Ёши 42 да.** Лекин жуда ёш кўринади. Таҳририятга шу ўғлимга муносиб бир қиз ёки ажрашган аёлни излаб келдим. Ўғлим жуда ишонувчан, уни алдаб кетишларидан хавотирдаман. Шунинг учун ўзим гаплашиб, оиласи билан танишиб, оқила, меҳрибон бир жувон ёки қизни келин қилмоқчи эдим.

**- Келин ва ўғлингиз билан бирга яшайсизми?**

- Албатта бирга яшаймиз-да. Чунки Аҳмад кенжа ўғлим. Менинг уларга зарарим тегмайди. Қайтага пенсиям билан ёрдамлашаман. Фарзанд кўришса қарашаман. Агар аёлим тирик бўлганида ўғлим бундай ёлғиз юрмаган бўларди. Аллақачон уйлантириб қўярди. Лекин илож қанча? Аёл бўлмагач уйда файзу путур, барака ҳам кетиб қоларкан.

35 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, ажрашган жувон ёки ўтириб қолган қиз бўлса ўғлимни уйлантириб қўйган бўлардим.

* * *

- Исмим Вилоятхон. Асли бухороликмиз. Қизимнинг **ёши 29 да.** Олий маълумотли, пазанда ва чевар қиз. У институтни битираётганда турмуш ўртоғим автоҳалокатга учраб, тўшакка михланиб қолди. Мен ишлардим. Шунинг учун қизим отасига қарарди. Шароитимиз жуда оғир эди. Шу боис келган совчиларга рад жавобини берардик. Вақтида қизимни узатишнинг сира иложи бўлмади,- дея гап бошлади аёл кўзларида мунг билан.

**- Бошқа фарзандингиз йўқмиди?**

- Иккита кичик ўғилларим бор эди. Улар отасига қарай олишмасди-да. Шунинг учун қизимнинг ёши ўтди. Отаси вафот этгач, у рўзғорга қарашиши учун ўз соҳаси бўйича ишга кирди. Ҳозир обрўли ташкилотда ишлаяпти. Қизимнинг бахти очилиб, бир яхши йигитга узатишни орзу қиламан. 36 ёшгача бўлган, уй-жойли, ўқимишли, (ажрашган бўлса ҳам майли) бухоролик ёки тошкентлик йигитни куёв қилардик...

* * *

***Азизлар! Ҳар бир инсон ўз вақтида бахтини топсин экан! Эзгуликнинг кечи йўқ, дейишган. Қаҳрамонларимизга ҳам шундай тилак билдирдик! Уларнинг манзиллари эса таҳририятда.***

**БАСИРА ва ТАМАРА тайёрлашди.**

## «ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

***Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам, ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди. Шунингдек, ажрашганлар суд қарорининг нусхасини тақдим этишлари шарт.***

# Намоз вақтлари

## 2008м/1429ҳ Жумодул-аввал

| ХУФТОН | ШОМ | АСР | ПЕШИН | ҚУЁШ | ТОНГ | МАЙ | ҲАФТА КУНЛАРИ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 21:13 | 19:43 | 17:43 | 12:19 | 4:56 | 3:16 | 19 | Душанба |
| 21:14 | 19:44 | 17:44 | 12:20 | 4:56 | 3:16 | 20 | Сешанба |
| 21:15 | 19:45 | 17:45 | 12:20 | 4:55 | 3:15 | 21 | Чоршанба |
| 21:16 | 19:46 | 17:46 | 12:20 | 4:54 | 3:14 | 22 | Пайшанба |
| 21:16 | 19:46 | 17:46 | 12:20 | 4:53 | 3:13 | 23 | Жума |
| 21:17 | 19:47 | 17:47 | 12:20 | 4:53 | 3:13 | 24 | Шанба |
| 21:18 | 19:48 | 17:48 | 12:20 | 4:52 | 3:12 | 25 | Якшанба |

Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг «ТАҚВИМ» китобидан олинди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 18:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Оила, табриклар, эълонлар: 233-04-50
Бўлимлар: 233-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 432. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13283

Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 3 4 5 7 8